



## Тошкентда аграр соҳага ихтисослашган халқаро кўргазмалар иш бошлади

“Ўзэкспомарказ”да агро-ноат комплекси учун замонавий асбоб-ускуналар ва технологиялар бўйича “Uzbekistan Agrotech Expo – 2019” XIV халқаро ихтисослаштирилган ҳамда “Uzbekistan Agromash Expo – 2019” VIII халқаро ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги техникаси ва машиналарининг кўргазмалари очилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж. Хўжаев ва бошқалар мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги изчил ривожланаётгани, пировардида, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ таъминланаётгани, маҳсулотларни қайта ишлаш ҳажми ортиб, экспорт кўлами кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Кўргазмада 197 компания қатнашаётган бўлиб, уларнинг 152 таси Хитой, Япония, Жанубий Корея, Италия, Германия,

Бельгия, Голландия, Буюк Британия, Беларусь, Россия каби хориж мамлакатларидан келган. Улар озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаш технологиялари, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва боғдорчилик ускуналари, чорва учун ем тайёрлаш жиҳозларини намойиш этиб, ўсимликлар ҳимояси учун кимёвий моддалар ва замонавий иссиқхона хўжалиқларини ташкил этиш каби хизматларни таклиф қилмоқда.

Ўзбекистонлик фермерлар билан 15 йилдан буён ҳамкорлик қилаётган Голландия ва Венгриянинг “Hunland” қўшма компанияси наслдор чорва ҳайвонларини етказиб бериш билан шугулланади.

– Ўзбекистонда чорвачилик яхши ривожланмоқда, – дейди ушбу компаниянинг мамлакатимиздаги вакили Нигора Турғунхўжаева. – Кўргазмада кўплаб таклифларни қабул қилаялмиз. Биз мижозларимизга иқлим шароити-

дан келиб чиқиб қайси турдаги чорвани боқиш, етказиб берган чорвани қандай парваришлаш бўйича зарур тавсияларни ҳам бериб борамиз. Шу боис мижозларимиз ҳам кўпайиб бормоқда.

Жанубий Кореянинг замонавий иссиқхоналар қуришга ихтисослашган “Hankook agricultural materials CO., HanNong Co Korea” компанияси мамлакатимизда бир йилдан буён фаолият кўрсатмоқда.

– Ҳозир Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманида 2 гектарлик иссиқхона қураялмиз, – дейди мазкур компания вакили Шухрат Қосимхўжаев. – Тез кунларда Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида гидропоника усулида ишлайдиган 7 гектарлик иссиқхона қуришни бошлаймиз. Бугунги кўргазмада янги мижозлар топиш мақсадида иштирок этаялмиз.

“Uzbekistan Agromash Expo – 2019” халқаро кўргазмасида “ЎзАгротехнаотхолдинг” акци-

ядорлик жамияти тизимидаги корхоналар, етакчи хориж компанияларининг 70 дан ортиқ турдаги маҳсулоти намойиш этилмоқда.

– Ишлаб чиқараётган қишлоқ хўжалиги техникаларимиз нафақат мамлакатимиз ички бозори, балки қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда, – деди “ЎзАгротехнаотхолдинг” АЖ маркетинг бошқармаси бошлиғи Илҳом Алимов. – Бугунги кўргазмада 15 турдаги трактор, 30 турдан ортиқ тиркама, агрегатларни намойишга қўйганмиз. Тадбиркорлар билан келишувларни амалга оширишни мақсад қилганмиз.

Кўргазмада шоли ва сабзавот қўчатларини экишга мўлжалланган техникалар катта қизиқиш уйғотди. Германия қишлоқ хўжалиги жамияти томонидан “Даладан – дастурхонга” номли халқаро конференция ҳам ўтказилди.

Абдулазиз МУСАЕВ,  
ЎзА мухбири

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасида

## Қимматли қоғозлар бозори:

бугунги давр талаб-эҳтиёжини қандай қондириш мумкин?

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ва Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ҳамкорлигида “Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори: долзарб вазифалар ва ривожланиш истиқболлари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.



Давра суҳбати

## Ўзумчилик энди сусткашликни кўтармайди

О'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши мажлислар залида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги мутахассислари, янги ўзумзор ташкил этиш истагидаги ташаббускорлар, партиямиз фаоллари ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, вилоятда ўзумчиликни ривожлантириш, соҳага янги технологияларни жорий этиш ҳамда экспортбоп вино ишлаб чиқариш учун янги тоқзорлар барпо этиш масалалари муҳокама қилинди.

Маълумотларга кўра, ушбу йил Жиззах вилоятида бу борада бир қатор истиқболли лойиҳалар амалга ошириляпти. Лойиҳабод туманида 500 гектар, Форишда 1 565 гектар, Бахмал туманида 455 гектар, Дўстлик туманида 50 гектар ва Зомин туманида 490 гектар – жами 3 060 гектар майдонда янги тоқзорлар барпо этиш бўйича саъй-ҳаракатлар алақачон бошлаб юборилган. Хусусан, вилоятдаги 52 нафар ташаббускор Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг беғараз маблағлари ҳисобидан артезиан қудуқлар ўрнатилгани учун 10,7 миллиард сўмлик ҳамда томчилик сугориш технологиясини жорий этганлиги учун 25,5 миллиард сўмлик – жами 36,2 миллиард сўм қўллаб берилиши кўзда тутилган субсидия маблағларини

ўзлаштириш бўйича шартномалар имзолаган.

– Мазкур тадбирдан муддао ташаббускорларни нафақат соҳага оид қонун ҳужжатлари, янгиликлар билан таништириш, балки бевосита агентлик вакиллари билан мулоқотда бўлиб, ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишларини таъминлашдан иборат, – дейди О'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши Сиёсий таълим маркази раҳбари Зоҳид Гулмуродов.

Яна бир муҳим қадамлардан бири, Ўзумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг ривожлантириш фонди сертифициланган ток қўчатларини харид қилиш ниятида бўлган ташаббускорларга (гаров таъминотига эга) 7 йил муддатга, 3 йил имтиёзли давр билан йиллик 8 фоизлик заём маблағлари ажратяпти. Шунингдек, сув таъминоти бўлмаган (электр таъминоти тизимини тортиб келиш харажатлари кўзда тутилмаган) бускор Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг беғараз маблағлари ҳисобидан артезиан қудуқлар ва томчилик сугориш технологияларини бюджет маблағлари ҳисобидан беғараз ўрнатиб бериш кўзда тутилган.

Бугунги кунга қадар Жиззах вилоятида 3 195 гектар майдонга янги тоқзорлар барпо этиш истагини билдирган 52 нафар ташаббускор рўйхати шакллантирилди.



Тадбирда таъйинланган, янги тоқзорлар барпо этиш учун 1 075 гектар ер майдони тайёрланиб, 575 гектар майдонда экиш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Бахмал туманидаги “Ruslanbek Abduraimov” фермер хўжалигига 35 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, ток қўчатлари тўлиқ экилган, ҳозирги кунда парваришлаш ишлари олиб борилаётган.

– Агентлик жамғармаси маблағи ҳисобидан ток қўчатларини харид қилишга муддатли имтиёзли кредитлар ажратилиши, томчилик сугориш тизимини жорий қилгани учун гектарига 8 миллион сўмга ва 1 дона сув чиқариш учун бургулаш қудуғини қаздирганга 120 миллион сўмга беғараз субсидия маблағларининг қўллаб берилиши биз фермерларга катта мадад бўлди, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Абдуразақ Қаршиев.

Ҳисоб-китобларга қараганда, 3 195 гектар майдонда ўзумзор яратиш учун 4,3 миллион дона ток қўчат зарур бўлади. Ушбу қўчатлар академик Маҳмуд Мирзаев номдаги боғдорчилик,

ўзумчилик ва виночилик илмий текшириш институти ва қўчат етиштирувчи субъектлар томонидан етказиб берилади.

Белгиланган режаларни жадал амалга ошириш баробарида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, ташаббускорлар томонидан имтиёзли кредит асосида ток қўчатларини харид қилиш учун ўрнатилган тартибда банк муассасаларига ҳужжатлар топширилиши кечиктирилмоқда.

Гарчи вилоят АТ “Агро банк” ҳамда АТ “Асака” банклари томонидан туман филиалларига қўчат харид қилиш учун кредит маблағларига ҳужжатлар қабул қилиш юзасидан кўрсатмалар берилган бўлса-да, Бахмал, Зомин ва Фориш туман филиаллари ташаббускорлар ҳужжатларини қабул қилишда сусткашликка йўл қўймоқда. Ваҳоланки, банк кредитлари ҳамда субсидия маблағларининг ўз вақтида ажратилишига Ўзумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги маъсул этиб белгиланган.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,  
“XXI asr” мухбири

Мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари, Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси, Давлат активларини бошқариш агентлигининг тадқиқотлар маркази, “Тошкент” республика фонд биржаси, Банк-молия академияси, Марказий банк, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, акциядорлик жамиятлари ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида 2017-2021 йиллар-

да Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури ҳамда давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 28 декабрда Олий Мажлиса Мурожаатномасида мамлакатимизда молия бозорини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар хусусида атрофлича сўз юритилди.

Халқаро ҳамкорлик

## “Нур Отан” партиясида амалий учрашув

Маълумки, шу йилнинг 9 июнь куни Қозоғистонда навбатдан ташқари Президент сайловлари бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Қозоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таклифига кўра кузатувчилар таркибидан иборат Ўзбекистон делегацияси ушбу мамлакатда бўлди.

Делегация таркибида О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Б. Якубов ҳам кузатувчи сифатида ушбу муҳим жараёнда иштирок этди.

Ташриф доирасида “Нур Отан” партияси котиби Фарход Қуанганов билан учрашув ташкил этилди. Унда ҳамкорликда олиб борилган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ сўнги икки йилда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги яқин, дўстона алоқалар янги босқичга кўтарилгани, амалий мазмун билан бойигани қайд этилди.

“Нур Отан” вакиллари Қозоғистонни дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторига киритиш, халқнинг юқори турмуш даражасини таъминлаш, фуқаролар меҳнати учун қулай шарт-шароит яратиш, қонун устуворлигига эришиш, ижтимоий адолатни кучайтириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни партия фаолиятининг муҳим йўналишлари сифатида кўрсатишди. Бу борада “Нур Отан” ва

О'zLiDePнинг қарашлари ҳамоҳанглиги эътироф этилди.

Учрашув чоғида икки партия Ўзбекистон ва Қозоғистон тадбиркорлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва логистика соҳаларидаги етакчи корхоналар ўртасида кооперацияни ривожлантиришга амалий ёрдам бериши лозимлиги таъкидланди.

Ўзаро фикр алмашиш жараёнида ҳар икки давлат жамоатчилиги ва халқаро ҳам-жамиятни мамлакатларимизда амалга ошириляётган демократик ислохотлардан янада кенгрок хабардор қилиш мақсадида партиялараро ҳамкорлик механизмларидан унумли фойдаланиш лозимлиги айтиб ўтилди. Дўстона музокаралар давомида икки қардош халқ ўртасида ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишонч-ни мустаҳкамлашда сиёсий партияларнинг роли ниҳоятда муҳимлиги ҳисобга олиниб, ҳамкорликни янада кучайтириш бўйича атроф-флича фикр алмашилди. Шу каби масалалар партиялар ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги келишувда ўз аксини топиши зарурлиги таъкидланди.

Бир сўз билан айтганда, учрашув конструктив ва самимий руҳда, ҳар икки партия вакиллари яқин ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишга мойиллик кайфиятида бўлиб ўтди.

О'zLiDeP матбуот хизмати

## Жараён

## Қимматли қоғозлар бозори:

Бугунги давр талаб-эҳтиёжини қандай қондириш мумкин?

Бошланиши 1-саҳифада.

Таъкидланганидек, ривожланган инфраструктура яратилиши тўлақонли, ҳар жиҳатдан мукамал молия бозорини шакллантириш имконини беради. Мамлакатимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида қарийб 5 минг корхона акциядорлик жамиятларига айлантирилган бўлса-да, корхоналар айланма маблағларига юридик шахслар ва аҳолининг бўш пул маблағлари кенг миқёсда жалб қилинишига эришилмади. Корхонанинг эгаси ўзгарди, холос. Бугунги кунда қимматли қоғозлар бозори турғунлик ҳолатида эканини қайд этиш лозим. Мазкур ҳолат эса қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг нафақат бугунги кундаги, балки яқин ва узоқ истиқболдаги масалаларга акс этган ягона стратегик концепция ишлаб чиқилиши заруратини кун тартибига қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директори Отабек Назиров ўз маърузасида қайд этганидек, иқтисодийни модернизация қилиш ва инновацион ривожлантириш йирик ҳажмдаги инвестицияларни талаб этади. Ушбу жараёнда молия бозорлари, хусусан, қимматли қоғозлар бозори муҳим роль ўйнайди. Қимматли қоғозлар бозорининг тараққий этиш даражаси мамлакат молия бозори ривожланишини белгилаб берувчи муҳим бўғинлардан саналади. Тизим ривожда унинг тарихидаги савдо тузилмаларининг капиталлашув даражаси, айланма ҳажми юқорилиги, қимматли қоғозларнинг даромадлилик даражаси ҳамда муомаладаги инструментларнинг ликвидлиги асосий аҳамиятга эга. Бундан ташқари, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши ва халқаро интеграциялашуви мамлакат иқтисодиётига ҳорижий инвестицияларни жалб қилишга қўмақлашувчи муҳим омилдир. Шу боис ҳам иқтисодий тараққий этган барча мамлакатларда қимматли қоғозлар бозори ривожига алоҳида эътибор қаратилади.

Сўнги йилларда мамлакатимизнинг қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш йўлида кўпга илҳомланган амалга оширилди. Соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш борасида бир неча



қўрсатишни йўлга қўйиш, халқаро стандартларга мувофиқ корпоратив ҳаракатларга, жумладан, корпоратив ахборотни йиғиш ва тарқатишга хизмат қўрсатиш, чет эл марказий депозитарийлари билан корреспондентлик алоқаларини ўрнатиш шуллар жумласидандир.

“Электрон овоз бериш” лойиҳаси хусусида шуни айтиш керакки, мазкур лойиҳа акциядорлик жамиятлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, йиғилишларда акциядорлар учун қўлайликлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилмоқда. Акциядорлар йиғилишларда онлайн равишда масофадан қатнашди, эмитентлар эса овоз санаш жараёнини тезлаштириш, маъмурий харажатларни камайтириш каби қўлайликларга эга бўлади.

Марказий депозитарий мижозлар, эмитентлар, шунингдек, ваколатли давлат органларига қўрсатилган хизматларидан бири корпоратив ҳаракатларга халқаро стандартларга мос хизмат қўрсатишни йўлга қўйишдир. Корпоратив

депозитарийлари билан корреспондентлик алоқаларини ўрнатишдир. Чет эл марказий депозитарийлари ютуқларини ўрнатиш ва амалиётда қўллаш имкониятига эга бўлиш мақсадида Россия (НРД), Қозғоғистон (KACD), Корея (KSD) марказий депозитарийларининг, шунингдек, йирик халқаро депозитарийларнинг (EUROCLEAR/CLEARSTREAM) фаолияти ўрганилди. Пировардида шу йилнинг 28 майда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг етакчи чет эл марказий депозитарийлари ва халқаро депозитар-клиринг тизимлари (ЕвроКлир/Клирстрим) ва Миллий рақамловчи агентликлар уюшмаси (АННА) билан ҳамкорлик қилиши бўйича тadbирлар режаси Бош вазир томонидан тасдиқланди. Иқтисодийни янада ривожлантириш, инвестицияларни фаол жалб қилиш ҳамда ишбилармонлик ва сармоявий муҳитни янада яхшилаш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу тadbирлар режаси етакчи чет эл марказий депозитарийлари ва халқаро депозитар-клиринг тизимлари (ЕвроКлир/Клирстрим) билан ҳамкорлик ўрнатишнинг бирламчи ташкилий масалаларини, шунингдек, қонун ҳужжатлари базасини жаҳон андозаларига мувофиқлаштиришни кўзда тутди.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг тadbиротлар маркази раҳбари Игорь Бутиков ҳам қимматли қоғозлар бозори тараққийга халал бераётган айрим омиллар хусусида батафсил тўхталиб ўтди. Фонд бозорининг молия бозоридан рақобатга лаёқатсизлиги ҳамда кредит бозорининг монополияси, қимматли қоғозларнинг асосий тури — акцияларнинг ҳаракатсизлиги, қимматли қоғозлар бозорининг иқтисодий жиҳатдан рағбатлантирилмаслиги, облигациялар бозорининг мавжуд эмаслиги ва бошқа талай омиллар мазкур тармоқ ривожини сустлаштиришига сабаб бўляпти. Маърузачи тилга олинган нуқсон-камчиликларга барҳам бериш бўйича ўз таклиф ва тавсияларини ҳам билдирди.

Давра сўхбати иштирокчилари қимматли қоғозлар бозорининг қонуний асосларини такомиллаштириш, соҳада рақобатни кучайтириш, тизимга илғор ахборот технологияларини жорий этиш, ҳисобларнинг тезкор амалга оширилишини таъминлаш, фонд бозорининг мамлакат иқтисодиётидаги ролини фаоллаштириш, акциядорлик жамиятлари фаолиятини халқаро стандартлар даражасига етказиш, фонд бозорига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш сингари чора-тadbирлар республикамиз қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, деган хулосага келдилар ва шу асосда келгусида амалга ошириладиган ишларни белгилаб олдилар.

Бехзод ИСРОИЛОВ,  
“XXI asr” мухбири.

Суратларни Шухрат РАҲИМОВ олган.



меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича изчил саъй-ҳаракатлар амалга ошириладиган бўлса-да, тизимда ечимини қутаётган масалалар ҳам йўқ эмас. Жумладан, инвесторлар манфаатини ҳимоялаш механизмидан етарли даражада такомиллашмагани, институционал инвесторлар ва бозорнинг профессионал қатнашчилари мавжуд эмаслиги, аҳолининг молиявий саводхонлик даражаси нисбатан пастлиги, тегишли қонун ҳужжатларининг қўплиги ва мураккаблиги, давлат акциядорлик жамиятларининг аксарият қисмини назорат этиши капитал бозори ривожига тўсқинлик қилаётган омиллар сирасига киради. Агентлик ана шу муаммоларни бартараф этишга қаратилган чора-тadbирларни амалга оширмоқда.

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг бош директори Шерали Абдужабборовнинг маълум қилишича, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид давлат дастурида баён қилинган тегишли вазифаларга асосан Марказий депозитарий жорий йилда бир неча лойиҳани амалга оширишни мўлжалляпти. Акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши мажлисларида “Электрон овоз бериш” тизимини ишга тушириш, Марказий депозитарий сайтида “Шахсий кабинет” орқали хизмат

O‘zLiDeP фракциясида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга ошириладиган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Дастлаб “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бюджетни шакллантириш ва ижро этишининг янги механизмлари жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

## Таклифлар қонун лойиҳасида ўз аксини топди

Айтиш жоизки, мазкур қонун лойиҳаси айна фракция депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий асосида ишлаб чиқилган. Лойиҳа Олий Мажлис палаталарининг молиявий мустақиллиги, парламент назоратининг мустақиллиги, уларнинг Конституциядаги ҳокимиятлар бўлиниши принципи бўйича фаолият қўрсатишини таъминлашда муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Қайд этиш керакки, парламент палаталари бюджетларининг янги механизмларини шакллантириш ва ижросини таъминлаш билан боғлиқ муҳим масалаларни тартибга солуви мазкур қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда қабул қилинган, иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатларимизнинг бир қатор таклиф ва тавсиялари ўз аксини топди, — дейди парламент кўйи палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Гулшана Худоевора. — Хусусан, лойиҳанинг фақатгина 3 ва 4-моддаларига, яъни амалдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддасига ҳамда “Ўзбекистон



Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 34-моддасига тегишли қўшимчалар киритилмоқда. Бунда парламент палаталари ва уларнинг органлари, депутатлар ва сенаторларнинг фаолияти билан боғлиқ харажатлар сметасини шакллантириш, тасдиқлаш ва фойдаланиш каби тартиблар аниқлаштирилиб, янги тахрирда баён қилинмоқда.

Умуман олганда, ушбу қонун лойиҳаси билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонунлар, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Йиғилишда, шунингдек, фракция ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Барча масалалар бўйича фракциянинг позицияси ишлаб чиқилди ва тегишли қарори қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Муносабат

## Ассосиз харажат ва оворагарчиликларга йўл қўйилмайди

Биламизки, ҳаётда ҳар қандай қутилган ва қутилмаган ҳодиса, янгиликлар, ўзгаришлар рўй бериши эҳтимолдан холи эмас. Балки бошқа касб эгалари қаторида ишбилармон ва тadbиркорлар ҳам турли сабабларга кўра ўз фаолиятларини тугатишлари мумкин. Уларнинг бундай қарорга келишларида ҳар хил ҳолатлар, хусусан, ишни ташкил этиш ва фаолиятни давом эттириш билан боғлиқ муаммо ва кийинчиликлар сабаб бўлиши ҳам табиий.

Шу боис айна субъектларни тугатиш тартибини соддалаштириш, жараённи амалга оширишда ассосиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортқча маъмурий чекловларни бекор қилиш, бизнесни юритиш бўйича халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини янада яхшилаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида давлатимиз раҳбари 2019 йил 7 июнда яна бир муҳим ҳужжатга имзо чекди.

“Тadbиркорлик субъектларини тугатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги фармон билан мамлакатимизда иштиёрий равишда ўз фаолиятини тугатмоқчи бўлган ёки турли сабабларга кўра ишламаётган тadbиркорлик субъектлари фаолиятини тугатишнинг соддалаштирилган механизмлар жорий этилди.

Мазкур ҳужжатда иштиёрий равишда тугатилаётган, молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ҳамда қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиблари белгилаб қўйилди. Ҳужжатга биноан 2020 йил 1 январдан бошлаб:

молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича доимий ишловчи махсус ҳудудий комиссиялар тугатилади;

давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида устав фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаганлиги учун тadbиркорлик субъектларини тугатиш тартиби бекор қилинади;

давлат органлари ўртасида электрон ахборот алмашувини жорий этиш орқали тadbиркорлик субъектларини тугатиш жараёнидаги ортқча ҳужжатлар ва тартиб-таомиллар қисқартирилади.

Шунингдек, қайд этилган даврдан бошлаб тadbиркорлик субъектлари — юридик шахслар (корхоналар) ни иштиёрий тугатишда бир ёки бир неча даврий босма нашрларда корхонанинг тугатилиши тўғрисида эълонлар бериш талаб этилмайди. Бунда тегишли маълумотлар рўйхатдан ўтказувчи органнинг расмий сайтига жойлаштирилади. Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳамда солиқ қарзи мавжуд бўлмаган корхоналарнинг молия-ҳўжалик фаолияти текширилмайди. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилмаган, тугатиладиган корхонанинг молия-ҳўжалик фаолиятини текширишнинг энг узоқ даврийлиги уч йилни ташкил этади.

Бундан ташқари молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш учун ваколатли давлат органларидан корхона тўғрисидаги мавжуд маълумотларни олиш Тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими орқали амалга оширилади. Бунда корхонани иштиёрий тугатишнинг умумий муддати рўйхатдан ўтказувчи орган иштиёрий тугатиш тўғрисида хабардор қилинган кундан бошлаб олти ойдан ошмаслиги керак.

Қолаверса, эндиликда тadbиркорлик субъектлари — жисмоний шахслар фаолиятини тугатишда ариза берувчи томонидан давлат солиқ хизмати органнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисидаги хулосасини олиш талаб этилмайди.

Фармоннинг эътиборли жиҳати шундан иборатки, эндиликда, молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналар давлат солиқ хизмати органнинг тақдимномасига асосан рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан уч йил муддатта ҳаракатсиз режимга ўтказилади. Бу эса тadbиркорлик субъектларига қонун ҳужжатлари билан берилган имтиёзларнинг асосийларидан биридир. Чунки, уч йил ичида тadbиркор ҳаракатсиз режимдан ҳаракат режимига ўтиб ўз фаолиятини давом эттириши мумкин. Аммо тadbиркор бу имкониятдан фойдаланмаса, рўйхатдан ўтказувчи орган корхонани Тadbиркорлик субъектларининг Ягона давлат реестридан чиқаришига асос бўлади.

Умуман олганда мазкур ҳужжат турли хил сабабларга кўра ўз фаолиятларини юритмай келаётган тadbиркорлик субъектларининг фаолиятини шунчаки тугатиш эмас, балки яна бир бор фаолиятини тиклаш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратиш ва шу орқали мамлакатимизда тadbиркорлик субъектларини янада ривожлантиришга замин яратади.

Қаҳрамон ЭРҒАШЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

# Ер суйганни эл суюди

Дехқон хўжаликлари, аҳоли томорқаларига ҳамда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинлар экиш ишлари аҳолини ўрганиш, аниқланган муаммоларни жойида бартараф этиш мақсадида ташкил этилган республика ишчи гуруҳи – Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, мутасадди ташкилотлар ва ҳокимликлар вакиллари навбатдаги ҳудудларда бўлишди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

## Устасига фарқи йўқ

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, ҳудуднинг экологияси, иқлим шароити мураккаблиги ва ерларнинг шўр бўлишига қарамай, аҳоли ўз томорқасидан унумли фойдаланиб келмоқда.

31 244 гектар томорқанинг 11 132 гектарига ва ғалладан бўшайдиган 20 600 гектар ерга ҳам такрорий экин экиш кўзда тутилган. Ишчи гуруҳ дастлаб Тўрткўлли туманида фаолият юритаётган "Томорқа хизмати" МЧЖ фаолияти билан танишди. Ушбу жамият аҳолига, айниқса кам таъминланган оила-ларнинг қаровсиз ерларини шудгорлаб бериш, иссиқхона барпо қилиш, минерал ўғит, уруғ ва кўчатлар етказиб беришда яқиндан кўмакчи бўлмоқда. Тасарруфдаги 1 гектарлик иссиқхонада бодринг, помидор, булғор қалампери етиштириляпти. Шу кунгача кам таъминланган оилаларга 20 та иссиқхона куриб берди. 1 000 тонналик совутгичли омборида маҳсулотлар сифатли сақланган ҳолда йил давомида Россия, Қозғистон давлатларига экспорт қилинмоқда.

## Фермер хўжалиги ери қаровсиз...

Дониёр ака Юсуповнинг 4 сотихлик иссиқхонасидаги 60 туп лимони бу йил ҳосилга кирди. Бироқ ҳар тўқисда бир айб, деганларидек, Уллибоғ овул фуқаролар йиғинида 39 та хонадон томорқасини эътиборсиз қолдирган. Ҳатто бу ҳудуддаги "Тўрткўлли Қурбонбой" фермер хўжалигининг 80 сотих ери ҳам қаровсиз ҳолда бўлиб, бир неча ойдан бери ерга ишлов берилмаётганини қандай тушуниш мумкин? Ҳолатга эътиборсиз бўлиш фурсатни, даромадни бой бериш дегани. Шу боис ишчи гуруҳ тегишли мутасадди ташкилот вакиллари билан суҳбатлашиб, қаровсиз қолган ерларни шудгорлаб беришди. 8 та оилага ўзларига ажратилган майдонларда сабзавот ва дуккакли экинлар экишда кўмаклашиб, уларга уруғ ва кўчатлар етказиб берилди.

## Жамғарма кўмагида

70 ёшни қаршилаган Норгул опа Абдуллаеванинг ерга меҳри ўзгача. Яқиндаги на Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши туман

бўлими жамғармаси ҳисобидан ажратилган 120 миллион сўм кредит эвазига 10 сотихли иссиқхона барпо қилганди. Ҳозирда гул, лимон, апельсин, мандарин, киви ва банан кўчатлари экиш учун тайёргарлик кўрмоқда.

– Бу йил 30 гектар ерга ғалла экиб, гектардан 65 центнердан ҳосил олдик, – дейди Эллиққалъа туманидаги "Дошқалъа" фермер хўжалиги раҳбари Р. Рўзметов. – Бўшаган ерни зудлик билан шудгор қилиб, такрорий экинга ҳозирляяпмиз. 15 нафар кам таъминланган оилага экин экиб даромад кўриши учун 30 сотихдан ерни шудгорлаб бердик...

## 20 миллион сўмни ким беради?

Асосий даромади томорқадан бўлган Замира Собирова 15 сотих ерига картошка, сабзи, помидор, бодринг, саримсоқ пиёз эккан. Ўзининг айтишича, ҳар йили 20 миллион сўм соф фойдани шу томорқасидан олади. Узумзорининг ўзи икки тоннагача ҳосил беради.

Ишчи гуруҳ вакиллари Пахтачи овул



фуқаролар йиғинида истиқомат қиладиган Искандар Матякубов хонадонига ҳам киришди. 77 ёшни қаршилаган Искандар ота ҳали ҳам бақувват. Қамишу саксовуллар ўсиб турган шўр ерни қайта-қайта шудгорлаб, ишлов бериб обод қилган.

Кумли ерни уч метргача қазиб, 3 сотих ерга иссиқхона курибди. У лимон, апельсин, мандарин экди.

– Йилда 2,5 тоннагача ҳосил олашим, – дейди ота. – Унинг ортидан келадиган фойдани кўриб, 5 нафар фарзандим ҳам ўз шахсий иссиқхоналарини қуришди. Жорий йилги даромаддан иккита автомобиль сотиб олдик, чойхона очдик. Қарабсизки, тадбиркорлигимиз ҳам кенгайиб бормоқда. 20 га яқин шогирдим ҳам лимончилик билан шуғулланыпти. Ўтган йили эришган ютуқларим, меҳнатларим ортидан "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирландим...

Нукусликлар эса асосан, помидор, бодринг, тарвуз, қовун етиштириб, маҳсулотларни Нукус шаҳри ва бошқа туманларга етказишади. Арзигул опа Байтиева 30 сотих шахсий томорқаси ва 80 сотих дала томорқасида помидор, қовун, тарвуз етишти-ради.

– Маҳсулотларимизни Самарқанд, Бухоро, Хоразм каби вилоятлардан келган мижозлар шу жойнинг ўзидан сотиб олишмоқда, – дейди опа. – Қозғистонга ҳам экспорт қиляпмиз. Ўтган йили 50 миллион сўм даромад кўрган бўлсак, бу йил 70 миллионга етди насиб этса. Ён атрофимиздаги ташландиқ, шўр, саксовул ўсиб ётган ерга ҳам ишлов бериб, унумли фойдаланяпмиз. Меҳнатларим бесамар кетмади, ўтган йили "Энг намунали томорқачи" кўкрак-нишони билан тақдирландим.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

## Семинар даланинг ўзида

Ўрим-йиғим мавсуми бошлангани муносабати билан Янгибозор туманидаги "Жўрабек – Қумобод" фермер хўжалиги далаларида кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда жорий йилда вилоятда ғалла ўрим-йиғимга тайёргарлик кўриш, жумладан, ҳудудий ғалла штаблари, туман ишчи гуруҳлари ва ғалла ўрим-йиғим отрядларини ташкил этиш, дон қабул қилиш шохобчаларини мавсумга тайёрлаш, комбайнлар учун эҳтиёт қисмлар захирасини яратиш ва бошқа ташкилий тадбирлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди.

Вилоят миришкорлари жорий йилда 33 200 гектар майдонда ғалла етиштирди. ОБ-ҳавонинг ноқулай келишига қарамай, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилгани мўл ҳосил олишда муҳим омил бўлаётди. Айни пайтда тўлиқ пишиб етилган ғалла ҳосилини замонавий комбайнлар ёрдамида қисқа фурсатда

ғалла парваришида йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам қайд этилди. Келгусида бу камчиликларни такрорламастик, имкон даражасида бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

## Раётда тўқис ҳаёт

Шундан сўнг ишчи гуруҳ Шовот туманидаги аҳоли томорқаларини ўрганишди. Тумандаги Раёт маҳалла фуқаролар йиғинидаги хонадонларга кирилганида, ҳудуд аҳолиси ернинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиб, кўшимча даромад олишаётганига гувоҳ бўлишди.

Маҳаллада 5 минг 180 нафардан ортиқ аҳоли 924 та хонадонда истиқомат қилади. 61 гектар аҳоли томорқалари, 82 гектар дала томорқалари мавжуд бўлиб, у ердагилар асосан ғалладан бўшаган ерга эртаки картошка, сабзи, қарам, пиёз етиштиришмоқда. "Томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамияти кам таъминланган оилаларнинг қаровсиз ерини шудгорлаб, уруғ, кўчатларини келтириб экиб беришяпти.



## Янтоқзор мевазорга айланади

Кўшни мевазорликларга кўшимча имконият сифатида дала томорқалари ажратиб берилган эди. Афсуски айримлари фойдаланилмаётган экан. Янтоқзор шундан далолат беради. Шу кун бу томорқалар шудгорлаб берилди. Сабзавот экиш учун уруғ ва кўчатлар етказилди.

Жийдали қалъалик 70 ёшли Рўзимбой Отажонов томорқасини кўрсангиз кўзингиз қувнайди.

– 12 сотих томорқамга бор меҳримни бераман, – дейди отахон. – 3 сотихи иссиқхона. Унда 100 га яқин экин – апельсин, мандарин, лимон, кивининг турли нави, манзарали дарахтлар, 50 га яқин гул кўчатлари етиштирилади.

Янгийўл маҳалласи аҳли ҳам томорқачиликнинг ҳадисини олган. Улар боғ ораларига тўқсонбости ва дуккакли экинлар экиш ва етиштиришни қойиллатишади. Меҳнатсевар Сурайё Тўраеванинг айтишича, йилга 30-40 миллион даромад олар экан.

## Боғотнинг обод боғлари

Ишчи гуруҳ Боғот туманидаги ер эгалари билан ҳам учрашди.

"Нурафшон" МФИдаги Ҳасанбой Ёқубов оила аъзолари билан қишин-ёзин даласида меҳнат қиладди. 8 сотих томорқасида помидор, пиёз, картошка, 2 сотих иссиқхонасида бодринг эккан.

– Бодрингни килосини 7-8 минг сўмдан сотиб, яхшигина даромад олдик, – дейди Ҳасанбой ака. – Яна бир

иссиқхона қуряпмиз. Йиллик даромад – камида 20-30 миллион сўм.

## Тўй қилдик, автомашинани олдик

Янгибозор тумани Паҳлавон Маҳмуд маҳалласида умргузаронлик қиладиган Оллаберган Абдуллаевнинг ўз томорқасидан ташқари 20 сотих дала томорқаси ҳам бор. 10 сотихида ҳар йили тарвуз етиштиради. Қуёш нурида етилиб, ширинлиги билан ажралиб турадиган Оллаберган аканинг тарвузлари ҳар йили биринчилардан бўлиб бозорга чиқади.

– Яна 10 сотих ерда помидор, қарам, сабзи етишти-рашимиз. Шу даромаддан рўзгор бут, тўйлар қилдик, автомашина сотиб олдик, – дейди у.

Таъкидлаш жоизки, жойларда олиб борилган тарғибот ва ташвиқот ишлари самараси ўлароқ мақрур маҳал-ланинг ўзидан 105 та хонадон соҳиблари "Ҳар бир оила – тадбиркор" Давлат дастури асосида томорқаларида иссиқхоналар куриб, ернинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланишяпти.

Умуман олганда, иссиқ ва қуруқ иқлим шароити, ёзининг жазирамаси, қишнинг қаҳратони демай меҳнат қиладиган, фарзандларини меҳнатқаш ва фидойи этиб тарбиялаётган инсонларга ҳар қанча ташаккур айтсак кам.

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти кенгашлари матбуот хизматларининг маълумотлари асосида "XXI asr" мухбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА тайёрлади.



ўриб-янчиб олиб, қабул масканларига етказиш мақсадида сифатли техника ва ишчи кучи жалб этилган ҳолда 101 та махсус отряд ташкил этилди.

Шунингдек, 396 та ғалла ўриш комбайнлари, 468 та юк автомобили, 869 та трактор тиркамалари, 156 та кўчма ўстахона, 156 та ёқилғи-мойлаш материалларини ташини агрегатлари хизмат қиладди. Учрашувда, шунингдек,

Дурдидой Қулматов намунали томорқачилардан.

– 12 сотихдан шахсий дала томорқамиз бор, – дейди Дурдидой Қулматов. – Бир қисмига экилган ғалла-ни йиғиштириб, ўрнига сабзи, помидор, лавлаги, пиёз, булғор қалампери, бақлажон, дуккакли экинлар эдик. Ҳозиргача 12 тонна ҳосил олдик. Бир йилда 3 мартагача ҳосил олашим.

Фидойилар

## Самарқандда ёнғоқчилик кластери очилляпти!


O'zLiDeP фаоли, "Pichokchi Dry fruits" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Толибхон Абдужалилов Самарқандда ўтказилган "Ташаббус – 2019" танловида "Йилнинг энг яхши фермери" номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Толибхон Абдужалилов қарийб 20 йилдан буён ёнғоқни қуритиб, қайта ишлаб, қадоқлаб, сотиб келди. Ишбилармонларнинг маҳсулотларини четга экспорт қилишлари учун имкониятлар яратилган, у 2017 йилда "Pichokchi Dry fruits" фирмасини очди. Ҳозирда яна мош, ловия, нухат каби дуккакли маҳсулотларни қуритиб, қадоқлаб Туркия, Ҳиндистон, Афғонистон, Бирлашган Араб Амирликларига экспорт қилмоқда.

2018 йилда 1 миллион 200 минг АҚШ долларилек маҳсулотни экспорт қилган тадбиркор ҳозирда 20 га яқин доимий, 100 га яқин мавсумий ишчилари билан катта лойиҳалар устида ишламоқда.

– Энди ёнғоқчилик кластерини ташкил қилмоқчиман, – дейди у. – Бир неча йилдан буён интенсив ёнғоқзор яратиш борасидаги лойиҳаларим жорий йилда амалга ошди. Бизга 30 гектар ер ажратилди, бунинг учун вилоят ҳокими Эркинжон Турдимовга самимий миннатдорлик билдираман. Пичоқчи қишлоғида ёнғоқ етиштириш, уни қайта ишлаш, қадоқлаш, экспортга тайёрлаш, сақлаш ва агротуризмни ривожлантириш логистика марказини қуриш учун 2 гектар ер майдони ҳам берилди. Насиб этса яна 30 та доимий ишчи ўрни яратилади.

Аънанавий тарзда Президент соврини учун ўтказилган "Ташаббус – 2019"нинг бу йилги шаҳар ва



туман босқичларида 1 200 дан ортик тадбиркор, хунарманд ва фермерлар 3 000 дан зиёд маҳсулот ва хизмат турлари билан иштирок этишди. Вилоят босқичида 78 нафар иштирокчи беллашди.

– Худудда, айниқса, кейинги икки йил ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиш босқичига қиряпти, – дейди O'zLiDeP Самарқанд вилоят Кенгаши раиси, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси худудий бошқармаси бошлиғи Шерали Юлдашев. – Йилнинг биринчи чорагидаёқ ялпи худудий маҳсулот таркибида кичик бизнеснинг улуши 67,7 фоизни ташкил этиб, вилоятимиз бу борада республикада етакчи ўринга чиқиб олди. Кичик бизнес корхоналари сони 22 373 тага етди. Жорий йилнинг ўзида 3 654 та янги субъект очилди.

Бахтигул ҚАРШИЕВА,  
O'zLiDeP Самарқанд вилоят  
Кенгаши матбуот котиби



O'zLiDeP Когон шаҳар Кенгаши фаоли, тадбиркор Мохигул Жўраева "Камалак" нодавлат мактабгача таълим муассасаси барпо этди. Лойиҳа қиймати 2 миллиард 700 миллион бўлган муассаса 100 нафар кичикинтой учун мўлжалланган.



## Маслакдошимиз нодавлат мактабгача таълим муассасаси очди

М. Жўраеванинг айтишича, боғча замонавий, болалар руҳиятига мос тарзда безатилган, сўнгги рўсумдаги таълим технологиялари ва тарбиявий воситалари билан жиҳозланган. Боғчада аънанавий машғулотлардан ташқари инглиз, рус ҳамда корейс тиллари ўқитилмоқда.

– Шунингдек, болажонларнинг жисмоний, ақлий ва нуқтқий саломатлигини таъминлаш мақсадида логопед, массаж курслари ҳам ташкил этганмиз. Қолаверса, муассасамизда спортнинг бадий гимнастика тури, санъ-

ат йўналишида мусиқа ва рақс тўғараклари фаолияти ҳам йўлга қўйилган, – дейди у.

Маълумот учун айтиш кераки, тадбиркор партия гоёларига содиқ қолган мактабгача таълим тизимида эксперимент тарзида "Жажки тадбиркор" лойиҳасини ҳам йўлга қўйган. Унда болажонларнинг тадбиркорлик алифбосини боғча ёшиданёқ ўзлаштириши назарда тутилган.

Зариф КОМИЛОВ,  
O'zLiDeP Бухоро вилоят  
Кенгаши бўлим мудири

Шаҳрисабз шаҳрида "Ўзархив" агентлиги ва O'zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгаши ҳамкорлигида республика "Ёш архивчилар форуми" ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва шаҳарлардан келган соҳа тадқиқотчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда O'zLiDeP фаоллари қатнашди.



## Архив иши: янги ташаббуслар ўртага ташланди

Анжуман иштирокчилари асрлар силсиласидаги кўхна Оқсарой мажмуасига мансуб меъморий обидалар, "Амир Темур" ва "Мақомчилар музейи"дан ўрин олган бебаҳо экспонатлар билан ҳам танишди. Анжуман доирасида маҳаллий хунарманд ҳамда тадбиркорлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.

"Халқаро архивлар кўни" ва "Архив тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлигининг 9 йиллиги муносабати билан ўтказилган мазкур форумда юртбошимиз томонидан илгари сурилаётган бешта муҳим ташаббус ва ички туризмни ривожлантириш борасидаги долзарб ишлар ҳақида фикр юритилди.

– Қашқадарё қадимий меъморий

обидалари, бетакрор ва сўлим табииати билан машҳур, – дейди "Ўзархив" агентлиги бош директори Улуғбек Юсупов. – Туризм тараққиётида воҳанинг ички имкониятлари ниҳоятда бисёр. Бугунги тадбирда улардан самарали фойдаланиш, экотуризмни ривожлантириш борасида амалий таклифлар билдирилди. Айниқса, Соҳибқирон бобомиз даврида бунёд этилган меъморий обидалар, Амир Темур гори ҳақидаги қизиқарли ҳикоялар барчада катта қизиқиш уйғотди. Ҳисор тоғлари бағридаги сўлим масканларга саёҳатлар уюштирдик.

Форумда ёш архивчиларнинг билим ва тажрибасини ошириш борасида янги ташаббуслар ўртага ташланди. Хусусан, фуқаролар ҳужжатларини архивда

сақлашни яхшилаш, ер-мулк ҳужжатлари мавжудлигига эътибор қаратиш, архив маълумотларини фуқароларга ўз вақтида тақдим этиш борасидаги айрим камчиликлар айтиб ўтилди.

– Архив иши сифати ва самарадорлигини ошириш инсон омилига бевосита боғлиқ, – дейди O'zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгаши раиси Шуҳрат Турсунов. – Тадбирда ҳужжатлар билан ишлашни замонавийлаштириш, электрон ҳужжатлар тизимини шакллантириш борасида мулоҳазаларимизни билдирдик. Ишонамани, бу каби амалий мулоқотлар фаолиятимизни янада яхшилашда яқиндан ёрдам беради.

Сайфулла ИКРОМОВ,  
"XXI as" муҳбири

"Аёллар қаноти"

## Иссиқхонада маҳорат дарси

O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" ҳамда вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилган бир қанча ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, йирик ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлик субъектларига саёҳатлар уюштирилиб, маҳорат дарслари ташкил қилинмоқда.

– Йилнинг тўрт фаслида ҳам сархил сабзавот маҳсулотлари етиштирилган "Mirzaobod universal trade cluster" иссиқхонасида 400 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланган, – дейди партия Сирдарё вилоят Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Сабоҳат Бабаева.

Маҳорат дарсининг навбатдагиси "Mirzaobod universal trade cluster" МЧЖда бўлиб ўтди. "Томорқа – даромад манбаи" мавзусида ўтказилган тадбирда Мирзаобод туманидаги бир гуруҳ фермер ҳамда тадбиркорлик қилиш истагида бўлган хотин-қизлар қатнашди. Муҳандис Усмон Куртасманов иштирокчиларни иссиқхона фаолияти ва етиштирилаётган маҳсулотлар билан таништирди.

Маълумки, ҳозирда мамлакатимизнинг барча худудларида гидропоника усулида иссиқхоналар қурилмоқда. Бу эса сифатли маҳсулотлар етиштириш, кўплаб иш ўринлари яратиш имконини берапти. Сабаби, оддий усулда етиштирилаётган помидор қўчатларидан 3 килограммгача ҳосил олинса, гидропоника усулида ҳосилдорлик 12 килограммгача етади. Экиларнинг пишиб етилиши 25-30 кунга қисқаради.

– Мазкур иссиқхоналаримизда Голландиядан келтирилган серҳосил по-

мидор ва бодринг навлари парвариш қилинмоқда, – дейди муҳандис. – Жараён тўлиқ автоматлаштирилган. Корея Республикасидан олиб келинган замонавий жиҳозлар ҳароратни, ўсимликнинг сув ва озуқага бўлган талабини чуқур таҳлил қилиш орқали аниқлайди ва минераллар билан бойитилган сув томчилатиш усулида ўсимлик илдизига етказиб берилади.

Бу ерда етиштирилаётган маҳсулотлар сифати кўзни қувонтиради. Тадбир иштирокчилари аҳоли дастурхонига йилнинг тўрт фаслида ҳам сархил маҳсулотлар етказиб бераётган корхона ишчи-хизматчиларининг меҳнати таҳсинга сазовор эканлигини таъкидлашди.

Тадбир сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб олди.

Дилором ЭСОНОВА,  
O'zLiDeP Сирдарё вилоят  
Кенгаши маъмул ходими

Вакилингиз ким?

## Сайловчига елкадошмизми?

Депутатларнинг ўз сайловчилари билан тез-тез учрашиб, юзма-юз мулоқотлар орқали фикрлашиши, муножаат ва таклифларни ўрганиши муаммоларни ўз вақтида бартараф этишда муҳим омил вазифасини ўтаётти. O'zLiDePдан халқ депутатлари Миробод туман Кенгашига сайланган Равшан Фозиллов ҳам фаолиятини мазкур ҳаётий тамойил асосида олиб бормоқда. У хар қандай масалада сайловчиларига елкадош бўлишга интиляпти.

Яқинда унинг ташаббуси билан тумандаги 110-умумтаълим мактабда ўқитувчилар ва маҳалла раислари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда ёзги таътил давомида болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш, турли тўғаракларга жалб этиш, айниқса, нотинч оилаларда улағаятган болаларга яқиндан ёрдам бериш, бир неча маҳаллада иш олиб бораётган "Бувижонлар мактаби" фаоли-

тини янада жонлантириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

– Давлатимиз раҳбари 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишида депутатлар халқимизнинг оғирини енгил қилиши, сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлиши бугунги куннинг муҳим талаби эканини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас, – деди халқ ноиб. – Президентимизнинг ушбу фикри депутатларни сергаклантирди, уларнинг ўз зиммасидаги масъулиятини янада теранроқ англашга туртки берди. Ҳозирда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга ҳар доимигидан кўпроқ эътибор қаратишимиз зарур. Бугунги глобаллашув жараёнида бу ниҳоятда муҳим. Ёшларни турли ёт гоёлардан асраш, уларга тўғри йўл кўрсатиш, истеъдодини рўёбга чиқаришга имконият яратиш бир кишининг иши эмас. Бунинг учун барчамиз бирдек фаол, ташаббускор, энг муҳими бефарқ бўлмастимиз лозим. Хусусан, ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, ис-

теъдодини юзага чиқариш, жисмоний чиниктириш, спортдаги қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш, компьютер технологиялари ва китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш шулар жумласидандир.

Йиғилишда масаланинг шу ва бошқа жиҳатлари муҳокама қилинди. Ана шундан келиб чиққан ҳолда депутат Равшан Фозилловнинг фаолиги туфайли маҳаллалар қошида ташкил қилинган "Бувижонлар мактаб"ларида кутубхоналар бунёд қилиниб, улар турли бадийий китоблар билан бойитилди. Бу ерда тез-тез китобхонлик кунлари ўтказилмоқда. Мақсад нафақат ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, балки, уларда болалик чоғидан китобга меҳр уйғотиш, мустақил фикр ва кенг дунёқараши шакллантиришдан иборат. Шу билан бирга ўз вақтида иш тополмай, ҳаётда ўрнини тополмаётган, билиб-билмай ҳар хил қинғир ишларга қўл ураётган ёш бўлмаса вақтини бекорчи нарсаларга сарфлаётган ёшлар билан ҳам мунтазам иш олиб борилмоқда.

Ўз муҳбиримиз

# Қачон “тадбиркор”дан нажоткорга айланамиз?

## Ёхуд “фармбозор”дан “фармсаноят”га ўтиш фурсати етмадими?

### Янги фармондан хабардормисиз?

Иссиқ жонмиз – онда-сонда бўлса-да дорихона томон йўргалаб қоламиз. Ҳамма сифатли дорини олиш ва тезроқ шифо топишни истайди. Агар кўлингизда шифокорнинг тавсия қоғози бўлса, ёзилган дорини ҳеч бир иккиланмасиз сотиб оласиз. Аммо шамоллаш ёки томоқ оғриғидек “хонаки” ваҳ бўлса, албатта, ўзингиз билган, синалган доридан бошқасига ишонмайсиз. Афсуски, улар ҳам ўзимизники эмас, хорижийки бўлиб чиқади. Хўш, бизда фармсаноят қачон ривожланади?

Шу йилнинг 10 апрелида давлатимиз раҳбарининг “2019-2021 йилларда Республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Албатта, соҳа яхши ишлаётган, такомил буюқ бўлганида бунга зарурат бўлмас эди. Демак, камчиликлар бор. Хусусан, дориларнинг импорт маҳсулотларига ҳаддан ортиқ таяниб қолаётган эди. Бу маҳаллий дори ишлаб чиқариш саноатининг ривожига тўсиқ бўлиш билан бирга, шу соҳадаги илмий тадқиқот ишларининг аҳамиятини ҳам сустайтираётгани аниқ ҳақиқат. Хўш, фармонга асосан саноат ривожини йўлида қандай ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда? Шу каби саволларга жавоб олиш ва фармонда кўзда тутилган чора-тадбирлар ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига мурожаат қилдик.

### Мутахассис изох беради

**Муҳаббат Иброҳимова,**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” ДУК ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи:

– Мазкур фармон агентлик зиммасига қатор вазифалар юклади. Хусусан, фармацевтика тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга замонавий механизмларни жорий этиш, фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлаш ҳолатини тизимли равишда назорат қилиш, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, тармоқ корхоналари билан етакчи хорижий корхоналар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, фармацевтика соҳасида амалга оширилиши зарур бўлган лойиҳаларни молиялаштириш, маҳаллий дори воситаларининг сифатини ошириш, хорижий тажрибани ўрганиш масалалари шулар жумласидан.

Дори воситаларининг сифати қатъий назоратда бўлиб, сифатсиз дори воситаларининг ишлаб чиқарилишига асло йўл қўйилмайди. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлиги қошидаги Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази Ўзбекистонга кириб келаётган ва ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг сифатини назорат қилади, уларни давлат рўйхатидан ўтказиши. Сертификатлаштириш органи сифатида 2018 йил ва 2019 йилнинг 1 майга қадар 258 номдаги дори воситалари ва тиббий буюмлар, 43 номдаги субстанцияларга мувофиқлик сертификати бериш рад этилди. Бундан ташқари, дори воситаларини

электрон тарзда назорат қилиш тартиби белгиланади. Бунда халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда янги тизим жорий этиляпти. Унга кўра ҳар бир импорт қилинаётган ва ишлаб чиқарилаётган дори воситасига махсус стикерлар ёки ёрлиқлар жойланиб, дори рассталарида таъсири ўзайтирилган дори турлари, аэрозоллар, кўп компонентли, мураккаб таркибли дори турлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Президентнинг “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига биноан “Ўзфармсаноят” ДАК фаолияти тугатилди ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Бундан ташқари, фармонга асосан 2019 йилнинг 1 июлидан 2020 йил 31 декабрга қадар, синов тарихида, дори препаратлари ва тиб-

лик сертификатлари ушбу маҳсулотларнинг сифатини кафолатловчи ҳужжат бўлиб, усиз тиббий буюм ва воситаларнинг олди-сотди қилинишига рухсат берилмайди.

Дори препаратларини тайёрлаш бўйича кадрлар илмий салоҳияти ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, янги фармонга мувофиқ 2019-2021 йилларда фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Унга кўра, Агентлик қошида фармацевтика технопаркини ташкил қилиш, технопарк ҳудудида соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва кадрлар илмий салоҳиятини кенгайтириш мақсадида етакчи хорижий олий ўқув юрти филиалини очилиши, илмий-тадқиқот ва тажриба-ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини ташкил этиш масалалари мақсад қилиб қўйилган. Бу каби чора-тадбирларнинг барчаси маҳаллий саноатимизда хориж маҳсулотларига рақобатбардош дори-дармонлар ишлаб чиқарилишига эришишга хизмат қилади.



### Мулоҳазаларга қулоқ тутамиз

– Имкон қадар табиий йўл билан даволашни, дори воситаларидан камроқ фойдаланишга ҳаракат қиламан, – дейди журналист Садоқат Рўзиева. – Лекин эҳтиёж пайдо бўлганда Россияда ишлаб чиқарилган дори препаратларининг таъсири яхши сезганман ва улардан шифо топганман. Менимча, республикамизда дори саноатини ривожлантириш жараёнида аналогич бор дорилар импортини тўхтатиш шарт эмас. Агар ўзимизда ҳам сифатли дорилар ишлаб чиқарилса, одамлар, албатта, ҳеч қандай таъсирларсиз ва рекламаларсиз ҳам уларни сотиб олишади.

**Фарида АШУРОВА,**

Миробод туманидаги 2-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори:

– Бир неча йиллар муқаддам мамлакатимизда ишлаб чиқарилган айрим дори препаратлари ишлатилганда реакция бериш ҳолатлари тез-тез учраб турарди. Кейинги йилларда шифокорларда беморларнинг дори аллергиясига мойиллигини ўрганиш, ҳар бир инсоннинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таъхис қўйиш тажрибаси ривожланмоқда. Тўғри, ҳамма дориларни ҳам сифатли деб айта олмаيمиз. Бироқ, сифат жиҳатдан яхшиланаётган ва кундалик шароитда аҳоли қўрқмасдан фойдаланаётган препаратлар ҳам анчагина. Қолаверса, аҳоли мунтазам равишда дорилар нархининг қимматлигини шикоят қилади. Бу шикоятлар, албатта, чет элдан келтирилган дорилар нархи ҳисобига юзага келмоқда ва импорт дори препаратлари маҳаллий саноатимиз билан бирга аҳолининг чўнтағига ҳам зарар етказмоқда.

Унутмаслигимиз кераки, фармацевтикада ишлаб чиқариш, илмий тадқиқотлар, янгилик яратиш эмас, савдо-сотик масаласи асосий фаолият турига айланиб, бундан фақат дори олди-сотдиси билан шугулланган қатламгина фойда кўради. Натижада дорилар нархи ошса ошадик, асло тушмайди. Шу боис, ҳозирги шароитда имкон қадар маҳаллий ва хориж препаратларидан ҳам фойдаланган ҳолда беморларни даволашимиз, аниқ вақтда дори воситалари ишлаб чиқариш саноатини жадал ривожлантиришимиз шарт. Бу келгуси 10-15 йилдан кейинги мамлакат истиқболи, аҳоли саломатлиги учун жуда муҳим деб ҳисоблайман.

тимизга четдан келтирилган эди. Ушбу дори воситасининг юртимизда ишлаб чиқарилиши натижасида импорт ҳажми камайиб, экспорт имконияти кенгайди. Бу эса валюта тежаш ва дори таннархининг пасайишига хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда фармацевтика соҳасида 159 та корхона фаолият юритмоқда. Улардан 89 таси фақат дори воситалари, 55 таси тиббий буюм ва 15 таси дори воситаси ҳамда тиббий буюмлар ишлаб чиқариш учун лицензияга эга. Бизда 8 мингдан зиёд дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатдан ўтказилган бўлиб, уларнинг 4685 тасини хорижий, 2450 тасини эса маҳаллий ишлаб чиқарувчилар тайёрлаган.

Янги қабул қилинган фармонга асосан “2019-2021 йилларда республика ҳудудида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга тавсия этилган дори воситалари гуруҳлари рўйхати” тасдиқланди. Рўйхатда келтирилган препаратлар эндиликда маҳаллий корхоналаримизда ишлаб чиқарилади. Булар антибиотиклар, эндокрин тизими патологиясини даволаш, яллиғланишга қарши ностероид дори воситалари, вирусларга қарши, меъда-ичак йўллари ва нафас аъзолари патологиясини даволовчи, иммунобиологик, онкологик, юрак-қон томир касалликларини даволашга хизмат қилувчи дори ҳамда болаларда сил билан инфекцияларини эрта аниқловчи диаскин тестлари каби препарат ва воситалардир.

Мустақилликка юртимизда фармацевтика саноати деярли мавжуд бўлмаган бўлса, бугунги кунда аҳоли дори таъминотининг

биёт буюмларини давлат томонидан харид қилишни амалга оширишда икки ва ундан ортиқ иштирокчилар – аналогик маҳсулотни (халқаро патентланмаган номи бўйича) миллий ишлаб чиқарувчилари мавжуд бўлган тақдирда давлат буюртмачиси импорт дори препаратлари ва тиббий буюмларни етказиб бериш тақлифи мавжуд барча буюртмаларни рад этиши белгиланган.

Бу чоралардан кўзланган мақсад маҳаллий дори ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали соҳа ривожига ёрдам беришдир.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда бугунги кунга қадар фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантиришни ягона стратегияси ишлаб чиқилмаган ҳамда маҳаллий фармацевтика корхоналарининг фаолиятини, шу жумладан, тегишли маҳсулотларни аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг уларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш фаолияти керакли даражада таъминланмаган эди. Эндиликда эса мазкур фармон билан Фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилишга йўналтирилган ҳуқуқий база мустаҳкамланди, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилишга йўналтирилган ҳуқуқий база мустаҳкамланди, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилишга йўналтирилган ҳуқуқий база мустаҳкамланди, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилишга йўналтирилган ҳуқуқий база мустаҳкамланди.

Энди реализация пайтида, шу жумладан, давлат томонидан харидни амалга ошириш жараёнида сотиб олинаётган дори препаратлари ва тиббий буюмлар мувофиқлик сертификатига эга бўлиши шарт. Мувофиқ-

### Аҳолини нима қизиқтиради?

Исмини ошкор этишни истамаган фармацевт ходимлар билан суҳбатда бўлганимизда уларнинг бири “одамлар шифокор ёзиб берган дориларни сотиб олишади, кўпм қарерда ишлаб чиқарилгани билан қизиқмайди”, деган фикр билдирди. Бошқаси эса дори сотиб олишда препаратнинг нархи ва ишлаб чиқарувчи билан қизиқувчилар ҳам талай экани, асосан, хориждан келтирилган дорилар хариддорлигини айтди. Унинг кузатишича, аҳоли ўзимизда ва хорижда ишлаб чиқарилган дорининг нархини солиштиради. Агар ўзимизники билан хорижий дорининг нархи орасида фарқ катта бўлса, ўзимизникини олади. Аксинча, фарқ кичик бўлса, сифатини яхши деб ҳисоблаб, хорижийникини харид қилади.

– Айрим дори препаратлари ўзимизда ишлаб чиқарилган бўлишига қарамай сифати хорижийкидан ҳам аъло, айримлари эса бунинг акси, – дейди фармацевт.

Мутахассис жараёнинг ичиди юрган инсон сифатида маҳаллий дори саноатимизда сезиларли ривожланиш бўлаётганини ҳам таъкидлади.

### Хулоса ўрнида

Азиз муштарий, биз тарафларнинг фикрларини ҳолисона беришга ҳаракат қилдик. Мавзунинг ўрганиш жараёнида шуни билдикки, бугунги кунда давлат харидлари фармацевтика бозоридаги умумий маҳсулотларнинг 10-12 фоиз айланмасига тўғри келади. 1 июлдан жорий этилган давлат харидлари борасидаги эксперимент айнан шу кўрсаткичларга нисбатан кунга эга. Бироқ фармон моҳиятини чуқур англамаган айрим блогерлар, дори савдоси билан шугулланувчи фирмалар ва фуқаролар 1 июлдан эътиборан чет элдан дориларга ўзимизда ҳам ишлаб чиқарилаётган аналогич бор дори препаратлари келтирилмас экан, деган нотўғри тушунча, баҳс ва мунозараларга боришмоқда. Таъкидланганидек, фармон давлат харидларини амалга оширувчи дориларга тегишли бўлиб, хусусий тадбиркорлик фаолияти сифатида хизмат кўрсатаётган дориларга тааллуқли эмас. Яъни, чет эл ишлаб чиқарувчиларнинг импорт орқали кириб келаётган маҳсулотлари фармацевтика бозоридаги эркин айланмасига ҳеч қандай чекловлар йўқ.

Ўзбекистонда 160 тадан ортиқ маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхона мавжуд бўлиб, ўтказилажак тажриба ички бозордаги ўзаро рақобатнинг кучайишини кўзлайди, корхоналарнинг аналогич турдаги дори препаратлари сифатли бўлишига туртки беради. Арзон бўлмаган хорижий маҳсулотларни маҳаллийлаштиришга замин яратди. Бу эса ўз ўрнида импорт ҳажмининг камайиши, экспорт имкониятининг кенгайиши, валютани тежаш, дори таннархининг пасайишига олиб келади. Сифатли дори воситалари эса ҳар қандай рақобат майдонига ҳам ўз ўрнини топади. Натижада бу ҳар биримизда келгусида маҳаллий саноатимиз импорт дорилар икки қўриқнинг икки муҳим йўналиши ажратилади. Энди фармацевтика тармоғида сифат учун, дори препаратларининг маҳаллий рақобатбардошлигини ошириш учун илм-фан кураши олий мақсадга айланмоғи зарур. Фарон, эълон қилинган фармон бунинг учун етарлича имконият беришмоқда.

Истаймизки, фармацевтаримиз халқимиз кўз ўнгида “тадбиркор” қиёфасидан янгилик яратувчи, тадиқ қилувчи нажоткор қиёфаларга айлانسин, маҳаллий саноатимизда эса беморлар дардига ҳақиқий малҳам бўладиган дори воситаларимиз кўпайсин ва энг муҳими, улар хорижийкидан асло қолишмасин!

**Зебо НАМАЗОВА,**

журналист

Манба: “Ишонч” газетаси

### Ташрифдан сўнг...

Президентимизнинг жорий йил 16-17 май кунлари Андижонга ташрифи янги бунёдкорликларга туртки бўлди. Ташриф чоғида Марҳамат тумани марказини қайта қуриш долзарб вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди.

Бу аниқ вақтда кенг қўламли ишлар учун йўл очди. Туман аҳли айнақса ичимлик суви муаммосидан қийналиб келаётган эди. 48 та маҳалланинг атиги 8 таси оби ҳаёт билан таъминланган эди ҳолос. Тоза ичимлик суви олиб келиш, оқова сув тизими қуриш, реконструкция қилиш бош мавзуга айланганди.

Дарҳол 10,8 км оқова сув тармоғи тортиш, 1 та сув тозалаш иншооти қуриш режалаштирилди. Ушбу лойиҳа асосида “Мустафо савдо” масъулияти чекланган жамияти қурилиш-монтаж ишларини бошлади. “Турон тонги” масъулияти чекланган жамияти эса 28,14 км масофада янги тармоқ тортмоқда. Мустақиллик байрамига қадар марказда яшовчиларнинг хонадонларига ичимлик суви кириб боради.

# Марҳаматда ҳали муаммолар бор

– Жорий йилда 92 км янги тармоқ тортиш ишлари амалга оширилди, – дейди “Сувоқова” ДУК туман филиали раҳбари Хайрулло Ашуров. – Шундан 28,14 км. марказдаги маҳаллаларга тўғри келади. Ҳозирда ҳар бир ҳудуд қайта ўрганилмоқда. Аниқ вақтда 51,5 фоиз аҳоли сув билан таъминланган. Йил охирига қўрсаткич 75 фоизга етади.

Қорабоғиш, Роҳат, Чилон ва Шахристон маҳалла аҳли сувини каналдан ташшар ёки ер остидан тортиб олишган эди. Каналнинг сувини истеъмолга яроқли деб бўлмади. Айнақса, Қирғизиянинг каналнинг суви умуман талаб даражасида эмас. Бу ҳам майли, ёзда экинларни суғориш пайтида аҳоли янаям танг аҳволда қолади – каналда сув камайиб кетади. Ана кўринг сув муаммосини.

“Сувоқова” ДУК туман филиали ҳам атиги учта техникага эга, ҳолос. Беш ой бурун Чилон маҳалласининг бир қисмига янги тармоқ тортилганди. Ҳақидан қувурлари те-

шилди. Бунга нима дейсиз? Ишинг қўл учиди қилингани шундоққина аён.

Зоҳиджон Отажонов Халқлар дўстлиги кўчасида яшайди. Уйининг олдида сув қувури ўтмаган. Нариги бетдан тортиб ўтиш учун 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлаши керак. Бу – кўпчиликнинг муаммоси.

– 2-мактабда ўқитувчиман, – дейди у. – Бинонинг сув билан таъминоти, санитария аҳоли ҳеч қандай қизиқтирмади. Кўчанинг рўпара томонидаги водопроводдан сув олиб келиб ишлатишга мажбуримиз. Йўл серкатнов. Юрак ҳовуқлайимиз. Бу ҳақда сектор раҳбарига бир неча бор мурожаат қилганмиз, натижа йўқ! 5, 35-мактабларда ҳам аҳвол шу.

Шу каби узоқ давом этиб келган муаммоларга ҳам барҳам берилмоқда. Давронбек Сулаймонов раҳбарлигидаги “Мустафо савдо” МЧЖ қурувчилари 15 километрик

тармоқ тортиш ва 2 та захира сув ҳавзаси қуриш ҳаракатини бошлаб юборишган.

Лойиҳачи – “Фарғоналоийҳақурилиштаъмирлаш” масъулияти чекланган жамияти мутахассислари ишларни назорат қилиб бораётди.

Янги ҳаёт маҳалласи адирликда жойлашган. Шунинг учун на ер ости, на ер усти суви мавжуд. 3 донга захира сув ҳавзаси ва 1 та сув ташши техникаси жуда зарур. Бу келгуси йил давлат дастурига киритилади.

Айни кунга қадар Қовунчи, Йўламотол ва Бозорбоши маҳаллаларида 22,3 километрик тармоқ тортилди ва 2 та қудуқ қазилди ҳисобига ичимлик суви билан таъминланди.

Сув келтирган азиз. Хонадонига оби ҳаёт кириб бораётган ҳар бир марҳаматлик бугун давлатимиздан, соҳа мутахассисларидан мамнун.

**Зилола РАҲМОНОВА,**

“XXI asr” мухбири

Муносабат

# Энди судья судгача мажлис ўтказишга ҳақли

Бу эса фуқаролар, тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш, мулкдорлар ҳуқуқлари судлар томонидан сифатли ҳимоя қилинишида муҳим аҳамиятга эга

Маълумки, Президентимиз 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлиста йўлаган Мурожаатномасида Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини сезиларли равишда яхшилаш борасида топширик ва бир қатор вазифаларни белгилаб берган эди. Ушбу долзарб вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан айни вақтга келиб бир қатор ишлар амалга оширилди, тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги қарори билан тасдиқланган Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган "Йўл харитаси"нинг 46-бандида иқтисодий ишлар бўйича суд муҳокамасини кейинга қолдиришнинг максимал муддатини ҳисобга олган ҳолда, қолдиришларнинг миқдорини, шунингдек, суд муҳокамасини кейинга қолдириш фақат фақуллода ҳолатлар сабабли йўл қўйилиши ҳолларини белгилаш назарда тутилган эди.

Шундан келиб чиқиб, 2019 йил 24 майдан эътиборан Иқтисодий процессуал кодексининг бир қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун амалга киритилди. Жумладан, Иқтисодий процессуал кодексининг 171-моддаси янги тахрирда баён этилиб, унга кўра суд қўйилган ва фақуллода ҳолатларда ишни суд мажлисида кўриш мумкин бўлмаган тақдирдагина суд муҳокамасини кейинга қолдиришга ҳақли эканлиги белгиланди. Энди иқтисодий судлар ушбу моддада назарда тутилган асослар мавжуд бўлган ҳоллардагина суд муҳокамасини бошқа муддатга қолдиришлари мумкин. Бундан ташқари, суд муҳокамасини фақат ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатга қолдириш мумкинлиги, қолдиришлар миқдори эса уч мартадан ортиқ бўлмаслиги аниқ белгилаб қўйилди.

Бу каби янги нормаларнинг амалга киритилиши учун зарурат нима эди, деган ҳақли савол туғилади.

Суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, судлар томонидан юзта ҳолатдан олтиасида суд муҳокамаси кейинга қолдирилмоқда. Бунда суд муҳокамасини қолдириш ҳолатларининг ярми тарафлардан бирининг суд мажлисига келмаслиги ва суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинганини тасдиқловчи далиллар бўлмагани сабабли юз бермоқда.

Кўрсатиб ўтилган олтиа ҳолатдан тўрттасида суд муҳокамаси 1 марта, иккита ҳолатда икки ва ундан ортиқ марта қолдирилган. Маълумот учун: иқтисодий судлар томонидан 2017 йилда 576 та ҳолатда, 2018 йилда 841 та ҳолатда суд муҳокамаси уч ва ундан кўп марта қолдирилган.

Хорижий давлатлар қонунчилиги амалиёти

шуни кўрсатадики, иқтисодий ишлар бўйича суд муҳокамасини кейинга қолдиришнинг максимал муддатини белгилаш, шунингдек, суд муҳокамасини фақат кўзда тутилмаган ва фақуллода ҳолатлар мавжуд бўлгандагина кейинга қолдириш мумкинлиги ҳақидаги қоидалар Германия, Эстония, Россия Федерацияси, Беларусь, Грузия ва бошқа кўплаб ривожланган давлатлар процессуал қонунчилигида мавжуд.

Шу муносабат билан, "Йўл харитаси"нинг 46-банди ижросини бажариш мақсадида Иқтисодий процессуал кодексининг 171-моддасига кўзда тутилмаган ва фақуллода ҳолатлар мавжуд бўлганда суд муҳокамасини қолдириш мумкинлигини назарда тутувчи тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, Иқтисодий процессуал кодексининг 163-моддаси учинчи қисм билан тўлдирилиб, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида судья фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича, бундан соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриладиган ишлар мустасно, даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган ва иш кўзгатишдан кўнун эътиборан ўн кун ичида ушбу кодексда белгиланган тартибда судгача мажлис ўтказиши мумкинлигини назарда тутувчи мутлақо янги норма киритилди.

Эътибор берган бўлсангиз, судья бarchа тоифадаги низолар бўйича эмас, айнан фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйичагина судгача мажлис ўтказиши мумкин.

Судгача мажлис ўтказиш учун нима эҳтиёж бор эди, судлов иши юритишдаги тарафларга бундай норманинг киритилиши нима беради?

Суд статистикаси шуни кўрсатадики, иқтисодий судлар томонидан суд муҳокамасини ўтказиш орқали 2017 йилда 2 855 та иш бўйича иш юритиш тугатилган, 4 410 та даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган. 2018 йилда эса 2 761 та иш бўйича иш юритиш тугатилган бўлса, 7 515 та даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган.

Маъмур ҳолатни иқтисодий суд ишларини юритишда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида иш юритишни тугатиш, даъво аризасини кўрмасдан қолдириш имкониятининг мавжуд эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Президентимизнинг юқорида келти-

риб ўтилган қарори 2-бандининг "ж" қичик банди, шунингдек "Йўл харитаси"нинг 47-бандида иқтисодий судга низоларни ҳал қилиш усули сифатида судгача мажлис ўтказиш имконини берувчи тартиб жорий этилиши ва маъмур мажлисида суд муҳокамасининг жадвали, ишнинг мураккаблиги ва муҳокаманинг прогноз давомийлиги, келишув битими ёки низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларини тузиш эҳтимоли, гувоҳлар рўйхати, иш қандай далиллар билан тасдиқланиши мумкинлиги, ушбу низога судга тааллуқлилиги масаласини ва бошқа процессуал масалаларни аниқлаш имконини назарда тутиш белгиланган эди.

Шу муносабат билан Иқтисодий процессуал кодекси судгача мажлис ўтказиш шартлари ва тартибини белгиловчи янги 1631-модда билан тўлдирилди.

Судгача мажлиси ўн кундан кечиктирмай ўтказиш ва низога ҳал қилиш муддатига риоя этилишини таъминлаш мақсадида тарафларни судгача мажлиснинг вақти ва жойи тўғрисида ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат юбориш орқали эмас, балки хабардор қилинганлик фактини қайд этадиган суд қақриув қоғозлари, буюртма хатлар, телефонограммалар, телеграммалар ва бошқа алоқа воситалари орқали хабардор қилиш мумкинлиги белгиланди.

Агар тарафлар судгача мажлисга келмаган тақдирда, ушбу ҳолат судья Иқтисодий процессуал кодексининг 163-моддасида назарда тутилган, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш бўйича ҳаракатларни амалга оширишига тўсқинлик қилмаслиги қонунчилигимизда алоҳида белгиланди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакики, айнан бу каби норма Фуқаролик процессуал кодексининг 202-моддасида мавжуд бўлиб, бугунги кунга қадар Иқтисодий процессуал кодексига ўз аксини топмаган эди.

Сир эмаски, ижтимоий муносабатлар ривожланган сари, уни тартибга солувчи қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати юзага келади. Қонунларимизга киритилаётган бу каби ўзгартишлардан кўзланган асосий мақсад эса судлов иш-ни самарали олиб бориш, фуқароларимиз ва тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш, уларни узоқ муддат давомидан суд идораларидаги сарсонгарчилигини олдин олиш, низоларни қисқа муддатда ўз ечимини топишга эришиш, шу билан бирга мулкдорлар ҳуқуқларини судлар томонидан сифатли ҳимоя қилинишига замин яратади.

**Равшан РАШИДОВ,**  
Тошкент шаҳар иқтисодий судининг судьяси.

**Сарвар СОЛИЕВ,**  
Тошкент туманлараро иқтисодий судининг раиси

Очиқ мулоқот

## Пул алмашадими? Марказий банк вакили билан мулоқот

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган очик мулоқот вақтида Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари Илҳом Норкулов миллий валютанинг қадрсизланиши ва деноминация қилиниши ҳақидаги саволга жавоб берди.

Бу ҳақда [Xabar.uz](http://Xabar.uz) мухбири маълум қилиб ўтди.

— Очигини айтсам, бу савол ўзимиз учун ҳам қизиқ. Пулнинг қадрсизланиши даражаси, нолларнинг сонини кўпайиб бораётгани бундай саволларни келтириб чиқариши аниқ. Биз биринчи навбатда транспорт-роўвқа, ҳисоб-китоб ҳаражатларини камайтириш ва қулайликлар яратиш мақсадида 50 000 ва 100 000 сўмлик пул чиқардик. Ҳар сафар янги қийматда пул чиққанда шундай савол пайдо бўлади.

Деноминацияни амалга оширишдан



мақсад нолларнинг сонини камайтириш. Яъни, 10 минг сўм ўрнига 10 сўм ёки 100 сўм муомалага чиқарилади. Бундай режа Марказий Банкда борми ёки йўқ, деб сўрасангиз, аниқ қилиб, йўқ, деб айта олмайман. Биз бу ҳақда ўйлаганмиз.

Қачондир деноминация бўлади. Аммо аниқ вақтини айта олмайман. Балки беш йилдан сўнг бўлар, балки 10 йилдан сўнг. Биз бунини техник ўзгартириш, деб қабул қилишимиз керак, — дейди Илҳом Норкулов.

## ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?



## Маҳмуд Намозов номидаги маданият маркази

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил 30 апрель - 1 май кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Узун туманидаги бўш турган "Файзова" маданият уйи биноси негизда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Маҳмуд Намозов номидаги маданият марказини ташкил этиш тўғрисида кўрсатма берган эди.



Яқин орада бу ерда қайта таъмирлаш, реконструкция ишлари бошланади. Насиб этса бу бинода маданият ва санъат йўналишида турли тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилиб, ёшларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур имкониятлар яратилади. Турли маданий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар ташкил этилади.

Майдон 1 гектардан зиёд бўлган марказ худудидида аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиши, маданий ҳордиқ қачқини учун барча шарт-шароитлар яратилади.

Элбек ШОЙИМКУЛОВ

## Facebook-ФБдан кетаман!

**Бўлди, бас, миямни дам олдираман. Бир неча кунга, балки ойга, балки бутунлай тарк этарман. Қара, ҳаёт қандай гўзал, осмон мусаффо. Реал ҳаётда ҳамма бир-бирига хасирон, одамларнинг юзида хотиржамлик. Менга нима зарил муаммоларга ўралашиб?**

Икки кундан бери шаҳарнинг гулжум бир кўчасида қаровсиз ётган итнинг ўлиги ҳақида пост қўйсам, "ўзинг олиб бориб кўрсанг асақанг кетадими" деган маломатларни ашитиш менга керакми ўзи? Шундан кўра бошимни оғритмай маза қилиб дам олсам бўлмайdimи. Мана, бозорларимизни қаранг, қандай фаровонлик... хув авани нон сотаётган хола энамни эслатиб юборди, беғубор, соддадил энамни. "Энааа" деворим келди-ю, андиша қилиб ёнига яқинлашдим. Ҳай "энама" эвараси тенги болани чунонам сўкаятгани, ҳеч қайси луғатда йўқ бундай сўкинч сўзлари. Ҳатто менинг сўкинч "кумирим" ҳам анча одобли экан момонинг олдиди. Гўшт бозорига ўтиб бир килодан сал ошиқроқ сўясиз гўшт олдим, тузукроқ овқат қиламан шу ФБга кетказган вақтимнинг ўрнига деб ўйладим. Уйга қайтаётсам бироз транспорт кутишимга тўғри келди, ҳечқиси йўқ катта мамлакатларда ҳам кичик хатолар бўлиб туради.

дедим ўзимга ўзим. Бир ярим минглик "Дамас"-ни машина йўқлиги учун икки минг дейишди, ҳай 500 сўмга ўлиб қоламани, дедим ўзимга ўзим. Кўчага киришим билан ўнқир-чўнқир йўлларга кўзим тушди. Депутатимизнинг кўчаси бирам текислигини ўйлаб кетдим, тегирмон навбати билан 20 йил қулган бу кўча асфальт бўлишини яна ороқ кутсанг ўлиб қолмайсан, халқ ноибининг кўчаси асфальт бўлди-ми, сенки ҳам тузалади, деб юпатдим ўзимни. Фикримдан кўнглим бирам ёришди-ей. ФБга кирмай ҳам позитив фикрласа бўларкан-ку! Ҳаёл суриб ўтирсам, хўжайиним тунд қиёфада кириб келди. Нима бўлди десам, банк яна битта ҳужжат етмайпти деб қайтарибди. Бунча булар қоғоз йиғини яхши кўради, бечора неча кундан бери сарсон, банкдагилар макултурурага топширадими шунча қоғозни? Газимизни профилактикага учун ўчириб қўйишибди уч кунга, дедим уч кун "ролтон" еймиз. Айтганча, бозордан мақтаб-мақтаб сотилган гўштни тузалайман деб чиқарсам, муштдаги сўясиз қўйилиб чиқиб келди. Бу сўясиз қандай қилиб гўшт орасига тиқилганини билолмай ҳайронман.

Ховлида кроватда ўтириб ҳаёл сурдим — бўлди, бас, Facebook-ФБга... қайтаман!..

Барно СУЛТОНОВАнинг Фейсбукдаги шахсий саҳифасидан олинди.

## Телеграмдаги "совчилар"

Бир дугонам телеграмимда "Совчилик хизмати" каналининг линки бор-йўқлигини сўраб қолди. Жиянини уйлантириш ниётида қиз излашаётган экан. Зибёли оила вакили бўлган дугонанинг ундай каналлардаги таклифларга ишонини мени ажаблантирди.

Вазиятни ўрганиш мақсадида ана шундай каналлардан бирини диққат билан кўриб чиқдим. Эълонлар бир қарашда рисоладагидек. Агар киши шу йўл билан бахтини топса, нимаси ёмон, дегингиз келади. Бирок...

Каналдаги эълонларни бирма-бир ўқийман. Улардан бирида келин қидираётган талабгор унинг гўзал, муомалали, пазанда, ўқимишли, уйли-жойли бўлиши лозимлигини истаяпти. Негаки, куёв бўлиши ҳаётда жуда кўп нарсаларга эришмоқчи экан. Яъни уйли хотин топса, бундай ташвишдан холи тарзда юксак марралар сари интилармиш.

Бошқа бир эълонда эса келин бўлиши ташқи қиёфаси кўркам, олий маълумотли, инглиз тилида эркин сўзлаша оладиган, муомала маданияти юқори ва яна қатор замонавий билимларга эга бўлиши зарурлиги кўрсатилган. Ушбу эълон билан танишгач, унинг муаллифи ишга таклиф қилаятгани ёки келинликка, деган савол пайдо бўлди.

Эълонлар орасида айниқса, иккинчи рўзгор учун хотин излаётганлар кишини уйга толдирди. Бундай истаклар кўплаб учрайди. Энг қи-

зиғи, талабгор эркаклар ичиди ёши бир жойга бориб қолганлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, иккинчи рўзгорга "статус"и остидаги эълонларнинг даярли барчаси кишининг гашини келтиради.

Кўвликка даъвогарлардан бошқа бири иккинчи рўзгорга, дея хотин излаётган экан. "Уйин учун эмас, ниғатим жиддий, мустаҳкам оила куриш мақсадидаман", дея иддао қилди у. Ҳатто бир аёл, эри учун иккинчи рўзгорга келин қидираётган экан. У шўрлик: "Эримни мен билан талашмай опа-сингил бўлиб яшайдиган иймонли қиз бўлсин", дея нола қилади.

Яна бир эълонни ўқиб, тўғриси, қулишни ҳам, куйинишни ҳам билмай қолдим. Унда бир қиз чамаси 60 ёшдаги онасини келинликка номзод сифатида кўрсатар экан, куёв бўлиши ўзига тўқ, онасини дунё бўйлаб саяхатларга олиб чиқадиган даражада меҳрибон ва ғамхўр бўлишни талаб қилади.

Хуллас, телеграмдаги "Совчилик хизмати"ни соғлом ақл билан ўқиган киши борки, ҳайратдан ёқа ушлаши табиий. Ачинарлиси, айна пайтда ушбу хизматга иши тушаётганларнинг ота-онаси ҳам бунга табиий қарашмоқда. Бу борада аввало, ёши улуглар тўғри йўл кўрсатмас экан, муаммо баттар илдири отаверади.

Феруза ЭГАМОВА

Ушбу руқн материалларини Жавҳарбек ҚОДИРОВ тайёрлади.

# Депутатлар мактабда

Акция

Реклама ҳуқуқида

Президентимиз 2019 йил 19 март куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш, ёш авлоднинг маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди.

## 400 дан зиёд адабиёт

O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши, "Жиззах аккумулятор заводи" АЖ ҳамда ҳамкор ташкилотлар, депутатлар билан биргаликда Жиззах шаҳридаги 10, 14, 16, 29-умумтаълим мактабларида "Баркамол ёш авлод – Ватанимиз келажаги, юртимиз ишончи ва таянчи" шиори остида китоблар, расмлар, музика, расомчилик, тасвирий санъат кўргазмалари ҳам айнан шу мақсадда ташкил этилди.

вилоят Кенгашига 6-Ўрда сайлов округидан сайланган O'zLiDeP депутати Тальят Усмонов ўз ҳудудда жойлашган ушбу мактаблар ёшларига мингдан зиёд расомчилик ва тасвирий санъат бўйича ўқув куроллари, 50 га яқин спорт анжуманлари, 80 та планшет, 400 дан зиёд адабиёт тақдим этди.

Сўнг завод ишчи-ходимлари мактаб остонасига бу йил илк бор қадам қўйдиган фарзандларига театрлаштирилган концерт дастури намойиш этишди. 80 нафар бола-

жоннинг ҳар бирига эсдалик совға сифатида планшет совға қилинди. Шунингдек, ушбу ишлаб чиқариш маскани тасарруфидagi замонавий "Энержи" болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олиш бу йилдан икки мавсумда ташкил этиладиган бўлди. Оромгоҳ 171 нафар ўғил-қиз, 80 нафар Оролбўйи минтақасида яшовчи иқтидорли ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига мунтазир.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмаси ташкил этган "Мўйқаламда юртим жамоли" кўргазмасида фаол иштирок этган 14 нафар ёш мусаввирга ташкилотчилар диплом, фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширишди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ, "XXI asr" мухбири



# Мунчоқтепа, Исмоилтепа ва Нефтчилар...

Биз яқиндагина мамлакатимизнинг жанубий сарҳади – Сурхон воҳасида қад кўтарётган бир қатор ижтимоий соҳа объектлари ҳақида маълумот берган эдик. Бу сафар ҳам ана шу мазмундаги хабарларимизни давом эттирсак. Зеро, аввал ҳам айтганимиздек, мақсадимиз – захматкаш бинокорларимиз меҳнатини шу орқали қўллаб-қувватлаш ҳамда улар томонидан бажарилаётган ишлардан жамоатчиликни воқиф қилишдир.

Ўрин кишлорлар (Шеробод тумани) анчадан бери ҳудуддаги 31-умумтаълим мактаби биноси таъмирталаб бўлиб қолганидан шикоят қилиб келар эди. Ниҳоят уларнинг мушқули кушойиш топди. Жорий йил инвестицион лойиҳа режасига киритилган таълим маскани биноси янгитдан реконструкция қилинмоқда. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясининг 1.9 миллиард сўмлик мазкур лойиҳасини "Машъал-гипс-тош" хусусий корхонаси

курувчилари адо этишмоқда. Айни пайтда қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, пардозлаш бошлаб юборилган. Бу ерда тажрибали қурувчи Жаҳонгир Абдуллаев бошлиқ 40 нафардан зиёд азамат жамоа астойдил тер тўкмоқда.

Қумқўрғон тумани Мунчоқтепа маҳалласи аҳолиси эндиликда тани-сиҳатлик борасида шаҳар марказига қатнамайдиган бўлди. Сабаби, мавжуд 34-қишлоқ оилавий поликлиникаси биноси яқинда тўлиқ таъмирланди, камига ёндош сифатида яна қўшимча бино тикланяпти. Қурилиш ишларини Рустам Чориев раҳбарлигидаги "Жануб Декор" хусусий корхонаси бунёдкорлари адо этишяпти. Тез кунларда янги маскан тез тиббий ёрдам, даволаш, муолажа ва бошқа тиббий хизматлар кўрсатишни бошлайди.

Ораси яқин – Мунчоқтепадан Исмоилтепага (Жарқўрғон тумани) кўчамиз. Бу маҳаллада 216 ўринли икки қаватли мактаб ўқув биноси барпо этилмоқда. Насиб қилса, бу кўркем иншоот

яни ўқув йилида фойдаланишга топширилади. Дарвоқе, бу ният ижобати йўлида "Зилол Остона Термиз" масъулияти чекланган жамияти бинокорлари тиним билан ишляпти.

Айни туманга дохил Соқчи маҳалласи ҳудудидagi 32-умумтаълим мактаби филиали қурилишини "Жарқўрғон мослама қурилиш" масъулияти чекланган жамияти жамоаси зиммасига олган. Ушбу жамият нафақат ижтимоий соҳа бинолари, балки аҳоли учун турар-жой ҳам қуриб берапти. Яъни, Нефтчилар мавзесида "Қишлоқ қурилиш инвест" буюртмачилигида кам таъминланган оилалар учун 4 та 2 сотихли, 3 хонали уй бунёд этилмоқда. Шунингдек, бу ҳудудда бунёд этилаётган бошқа уй-жойларда "Олим қурилиш транс", "Фахриддин" каби корхоналарнинг кироий қурувчилари маҳоратларини кўрсатишяпти.

Ҳозирча – шулар...

Юнусали ОЧИЛДИЕВ, "XXI asr" мухбири

# Боғчалар болаларни чорлаётир

Реклама ҳуқуқида

Юртимизнинг бошқа ҳудудларида кузатилаётгани сингари Андижон вилояти ҳам улкан ўзгаришлар палласида. Хусусан, бунёдкорлик соҳасида эътибор этса арзийдиган ишлар амалга оширилаётгани қувонарли. Айниқса, инвестицион лойиҳа асосида қурилаётган таълим, соғлиқни сақлаш каби қатор ижтимоий соҳа объектлари фикримизни исботлайди. Бевоқиф аниқ мисолларга мурожаат қилайлик.



Қорасув шаҳри Улугбек маҳалласидаги 3-мактабгача таълим муассасаси учун мўлжалланган қўшимча 80 ўринли бино битай, деб қолди. Иншоот қурилиш-монтаж ишлари эса "Мах Ага" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари зиммасида.

– Бу ердаги мавжуд 40 ўринли муассаса биноси ҳам капитал таъмирдан чиқарилади, – дейди "Мах Ага" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мунириддин Рузиматов. – Болажонлар кўркем ва шинам масканга эга бўлиши йўлида бор маҳорат ва меҳнатимизни аяммайимиз. Жалақудуқ тумани Янги Чек

маҳалласидаги 2-мактабгача таълим муассасаси ҳам қисқа фурсатда реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилиш арафасида. Бунинг учун Карим Исманов етакчилигидаги "Оятбек кўп тармоқли ишлаб чиқарувчи" хусусий корхонаси ишчиларига алоҳида тасанно айтсак арзийди.

Балиқчи туманидаги Олимбек маҳалла аҳли фарзандлари умумий ўрта таълим олиш учун қўшни маҳалладаги мактабга қатнар эди. Мазкур муаммо яқинда

ўз ечимини топадиган бўлди. Боиси, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмасига асосан ҳудудда 216 ўринли янги умумтаълим мактаби барпо этиляпти. Ушбу масъулият "Ихтисослашган Шаҳрихон қурилиш" ИКТ хусусий корхонаси бинокорлари зиммасига тушган.

Ўз мухбиримиз

Хизматлар лицензияланган.

Маълумки, юқори аниқликдаги ўлчов воситалари ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси учун фойдалидир.

Мамлакатимизда бошқа соҳалар қаторида стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳанинг ҳуқуқий базаси мустаҳкамланмоқда. Шу ниятда ўтган йилларда бу борада кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, "Стандартлаштириш тўғрисида", "Метрология тўғрисида", "Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида", "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида", "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидан.



Реклама ҳуқуқида

# Бу соҳада фидойилар кўп

Айниқса, Президентимизнинг 2017 йил 28 апрелдаги "Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори тизим фаоли-

ятини жаҳон стандартлари асосида юритиш борасида янги босқични бошлаб берди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ "Ўзбекистон миллий метрология институти" давлат корхонаси ташкил қилиниб, эталонлар, энг юқори аниқликда-

ги ўлчов воситаларини сақлаб туриш, уларни халқро даражада солиштириш, шунингдек, ўлчов бирликларини узатиш ишларини такомиллаштириш унинг асосий вазифалари этиб белгиланди. Бундан ташқари, қарорда хорижий давлатлар ўртасида солиштириш ишларининг йўлга қўйилиши, чет эллардаги қиёслаш-ўлчов воситаларининг мамлакатимизга татбиқ этилиши кўзда тутилганки, бу ишлаб чиқариш корхоналарида валюта тежаш орқали иқтисодиётимиз равнақиға хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Дарвоқе, дунё миқёсида 20 май – Бутунжаҳон метрология куни сифатида кенг нишонланади. Сабаби Метрик Конвенция айнан шу сана – 1875 йил 20 майда имзоланган. Конвенцияға мувофиқ халқро илмий муассаса – Халқро ўлчов ва тарозилар бюроси ташкил қилиниб, унинг асосида халқро ўлчашлар тизими ишлайдиган метрик ўлчовлар тизими, сўнг эса SI Халқро бирликлар тизими амалга киритилган. Ҳар йили байрам арафасида Халқро ўлчов ва тарозилар бюроси ҳамда Халқро қонунлаштирувчи метрология ташкилотининг раҳбарлари Умумжаҳон

метрология куни муносабати билан дунё жамиятига мактуб билан мурожаат қиладилар. Мурожаатда куннинг шиорини илгари сурадилар ва ечимий метрологик таъминотни талаб этадиган, йилнинг энг муҳим ва ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларини белгилайдилар.


Метрология – ўлчашлар ҳақидаги фан. У инсон цивилизацияси каби қадимий бўлишиға қарамасдан доимо ўзгаришда давом этади, қизгин ўзгараётган оламда барқарор ва аниқ ўлчашлар тизимининг афзалликларини етказди. Жамиятнинг кўп эҳтиёжлари янги технологиялар ҳисобига қондирилади ва уларни таъминлаш учун барқарор ва аниқ ўлчашлар қулай бўлиши жуда муҳим. Қизгин ривожланаётган оламда ўлчаш вазифаларини ечиш учун динамик ташкилотларда жўшқин мутахассислар талаб этилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси номидан стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш миллий органи сифатида "Ўзстандарт" агентлиги 2001 йилдан бошлаб Халқро қонунлаштирувчи метрология ташкилотининг аъзосидир. Бу аъзолик дунё метрология марказлари билан алоқалар ўрнатиш ва ўлчашлар бирлигини таъминлаш миллий тизимини халқро талаблар билан уйғунлаштиришға имкон берди.

Ҳар йили "Навоий синов ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонаси ҳам мазкур сани муносиб нишонлашға ҳаракат қилади. Бу йилги байрам тадбири ҳам ўзгача шукҳуда ўтди. Унда марказ директори А. Жўраев, ўлчаш воситалари устидан давлат метрологик текшируви бўлими бошлиғи А. Холов ва фахрий устозлар сўзға чиқиб, ходимларға ўз табрикларини йўллашди. Ўз касбининг фидойиси бўлган, билим ва тадрибаларини ўлчашлар бирлигини таъминлашға бағишлаётган ишчи-хизматчилар фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Ўз навбатида, меҳнатларига яраша рағбатдан хурсанд бўлган мутахассислар ҳам марказ раҳбариятиға, елкама елка ишлаётган ҳамкасбларига ўзларининг миннатдорлик уфурган изҳорларини билдиришди.

Жаҳонгир ГАЛАЕВ, "XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган.



# Аёлни аёлдай яшатиш керак



Қутлибека РАҚИМБОЕВА,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган маданият  
ходими, шоира

Қутлибека... Бу исмнинг ўзида шеър бор. Асрлар юки ҳам шу сўзда мужассамдек. Бамисоли тарих қаъридан ажодларимизнинг орзусини ва армони, дардини ва кўз тиккан нажотини елкалаб чиқиб келаётир дейсиз. Қутлибекага Ўзбекистон халқ шоири Зулфияxonим ёзган "Оқ йўл"да ("Саодат" журнали, 1976) ёш шоиранинг шеърларида инсон руҳияти ва ижтимоий воқелик муносабатини англашга, таҳлил этишга интилиш устуворлиги таъкидлангани бежиз эмас. Шоиранинг ижодидида, хоҳ шеър бўлсин, хоҳ мақола, ижтимоий дард етакчилик қилиши кўзга ташланади. Қутлибека Рақимбоева ўзбекистон қувончу қайғулари билан куюниб-суюниб яшаётгани, ижод қилаётгани қуйидаги иқтибослардан ҳам аён.

\*\*\*  
Ўғил-қизларимизда китобга меҳр уйғотишни мамлакат сиваси даражасига кўтарган Президентимизнинг фикрларини хаёлимда ўтказар эканман, кўнглимда бир армон уйғонди: "Агар менинг раҳматли онам ҳаёт бўлганида нақадар суюнарди...". Чунки онам ўқитувчи эди. Унинг кийим-кечакка, буюмларга бино қўйганини, бировнинг бойлиги, ҳашамати ҳақида кўнгли султ кетиб гапирганини эслаб олайман. Лекин яхши китоблар ҳақида сўз очса, оғиздан бол томарди. Уйимизда каттагина китоб жавони бўлиб, онам китобларни худди кутубхонадагидек қилиб: "Жаҳон адабиёти", "Болалар адабиёти", "Мумтоз адабиёт", "Рус адабиёти" деган бўлимларга ажратиб қўйганди. Кўни-қўшни, қариндошлардан кимдир китоб сўраб чиқса, қора чарм жилдли умумий дафтарга исми-фамилиясини, китоб номини ёздириб, "Олдим, ўн кун (ё ўн беш кун)да ўқиб, қайтариб олиб келаман", деб қўл қўйдириб оларди.

\*\*\*  
Эсимда: қариндошларимиздан бири келин туширган эди. Орадан уч-тўрт ҳафта ўтгач, уларниқанда қандайдир йигин бўлди. Келинчак дастурхон ёзилган турли ўлчамдаги хонтахта-ларни тенглаштириш учун уларнинг оёқлари остига китобларни қўйган экан, онамининг жон-пони чиқиб кетган:

– Сизга қайнубо, қайномо бўлмиш хешларим қаҳатчилик пайтлари носфуррушлар ялиниб келганда ҳам, гугуртнинг баҳоси осмонда бўлган чоғлари тутантриққа сўраганлариди, эвазига мана бунча пул берамиз, дейишганда ҳам бу китобларни бермай, қўш-қовоғи орасида асраганлариди. Ҳар кўнгалариди пешонасига суриб, тавоф қиладиган бу табаррук китобларни оёқ остига қўйсангиз, нонқўрлик бўлади-ку, – дея қаттиқ-қаттиқ гапирган. Уша келинчак кейинчалик болаларига:

– Китобни қўлларингни ювиб ушлангилар. Бўлмаса, Пошша бувинг уришади, – деб турарди.

Пошша буви, яъни раҳматли онам (у киши кишлоқнинг фаол аёлларидан эди, йигинлар, турли тадбирларга кўп қатнашарди) қаерга борса, бизга – уч ака-сингил фарзандларига китоб олиб келарди. Фақат нимагадир (балки ўзларининг оиласи Украинага сургун қилиниб, қатагон азовини тортганлари учунми) ватанпарварлик, тарихий мавзулардаги китобларни олиб келарди. Мен "Спартак", "Қилич ва қалқон" каби китобларни ўқиб чиққанамда 5-6-синф ўқувчиси эдим. Кейинчалик онам "Навоий", "Қўтлуғ қон", "Ўткан кунлар" каби асарларни ўқишга рухсат берган. У киши бизни ёлғиз ўстираётгани учунми (отам олти ёшлигимда вафот этган), қаттиқ назорат қиларди. Учовимизнинг ҳам ўзимизга яраша вазифаларимиз бор эди: лекин китобхонлик борасида эркин кўярди, яъни мен:

– Она, кечқурун Ойгул дугонамларникига чиқаман, қизлар тўпланишади, ўқиган китобларини гапириб бераман, – десам, ҳеч қачон "йўқ" демасди. Фақат қайтанимдан сўнг қайси китобларни гапириб бердим, қанақа савол-жавоблар бўлди – ҳаммасини сўрарди.

\*\*\*  
Ўзбекистонда мустақилликка бўлган ишонч 1980-йилларда бошланган ва 1989-1990 йилларда авж палласига чиққан. Бу даврни мустақил бўлишимиз мумкин, деган ишонч билан яшаганим боис ҳаётимдаги энг ёруғ йиллар деб ўйлайман... Бу даврга мен ўз онгимнинг уйғониш фасли деб қарайман. Тошкентга келгунимга қадар шўро ҳукуматининг бу қадар қип-қизил алдоқчи эканини ҳис қилмаган эдим. 1980-йилларда Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида ишлаганман. Бу ерда замоннинг энг илғор ёзувчи ва шоирлари ишлар эди. Мен ўша ерда биринчи марта миллатнинг миллат бўлиб шаклланиши учун, дунё майдонидида тик оёққа туриши учун ўзи мустақил яшатиш кераклиги ҳақида ўйлаб бошладим. Олдин бу нарсамкин эмас, деб билардим.

\*\*\*  
Илк китобчамга онамга дастхат ёзиб жўнатганим, қизим, ўғлимнинг дунёга келган онлари, ўн йилдан сўнг ҳамкурслар билан учрашув, хуллас, ўтган кунларимни бирров варақласам, саодатли онларим кўп экан. Ўзгаларнинг бахтидан бахтли бўлган дақиқаларимни бунга қўшсам, эҳтимол, бахтимнинг йўллари, йиллари яна ҳам узаяр. Чунки одам ёлғиз ўзи бахтиёр бўлиб яшай олмайди. Унга, албатта, замондош, заминдошларнинг қайфияти, руҳияти таъсир қилади. Демократикманки, ўз саодатининг ўзгалар саодати мукамаллаштиради.

\*\*\*  
Ҳар қандай инсон, у қанчалар тўғри, ростгўй, камтар, ҳалол, пок киши бўлмасин, унинг ҳам иккиланган дамлари бўлади. Кўнглида нималаргадир қизиқиш, майл уйғонади, икки йўл орасида тебранади... "Нима қилсам экан?" деган сўроқ исқанжасида қайналади. Зулфияxonим ҳам ер аёли, замин фарзанди бўлгани учун бундай лаҳзаларни қалбидан кечирган, албатта. Лекин ҳамма гап шундаки, шоира ҳаммаша бундай онларда ўша сўроқлар, ўша изтироблардан голиб келган.

\*\*\*  
Ҳасос шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг бевақт вафотидан сўнг у билан бор-йўғи тўққиз йил бирга умр кечирган Зулфияxonим қаламининг ҳижрон нолишларини эслайлик:

*Ишққа маскан юрагим,  
Топиб бер, деб қистайди.  
Нима қилай, бераҳм  
Рухим сени истайди...*

\*\*\*  
Бу истакнинг аламини, бу истак қийноғини турмушдоши билан севиб, севилиб яшаб, кейин беҳос ундан жудо бўлганлар яхши билади. Бу азовга чидаш, чил-чил бўлиб синган бахт қўрғонининг хар тошини териб қайта бутлаш, тиклаш учун қанчалар кучли ирода керак! Зулфия она ўзида бундай иродани яратди! Мен "Яратди" деб онгли равишда айтганман. Чунки Зулфия она йигирма тўққиз ёшида бева қолди. У ота-онаси, акалари, сўнг Ҳамид Олимжоннинг

меҳр-муҳаббатига суюниб, қад ростлаб келаётган бир маъсума аёл эди.

\*\*\*  
Оилам мустаҳкам бўлсин деса-санг, қалбингда бир умрга етадиган меҳр-муҳаббатинг, бир умрга етадиган сабр-бардошинг, танангда куч-қувватинг бўлиши керак. Меҳрсизлик, лоқайдлик, дангасалик – оилани ёғоч қуртидай ич-ичидан емирадиган иллатлардир. Хонадон хотиржам, оила мустаҳкам бўлмоғи учун эркак ва аёл бирдек масъул. Лекин оилада отанинг ўрни балад бўлса, отанинг айтгани айтган бўлса, ўша оилада муаммо камроқ бўлади. Бизда "ота тарбиясини олмаган" деган гапнинг маломат тарзида ишлатилиши бежиз эмас-да...

\*\*\*  
Аёл – эркакнинг орияти, номуси. Оиланинг синчи. Аёл ўз ихтиёри билан адашмайди. Аёл тўқликка шўхлик қилиб ахлоқий таназзулга тушмайди. Аёл хато қилади, лекин унинг илк хато қадамига кимдир сабабчи бўлади. Агар қиз бола уйдан очик-сочик кийиниб чиқаётганда отаси, оғаси ё маҳалланинг ориятли йигитлари (бунга уларнинг маънавий ҳуқуқи бўлиши керак, биринчи галда ўзлари ориятли бўлиш шарт) унинг йўлини кесса ёки аёл биринчи бор сўкинганда бозорда ёнма-ён турган эркакда уни уялтирадиган ҳайбат бўлса, аёллардаги назокат ҳам, латофат ҳам сақланади...

\*\*\*  
Тирикчилик қўйида дағал ишларни қилаётган аёл ўз ишининг бир қисмига айланади. Гиёҳанд модда сотдими – унинг ичига жиноят руҳи қиради. Ароқ сотдими – шайтон қиради ичига. Аёлларини латофатли, назокатли ҳаётга ошно қилиб қўйган қай эркакнинг аёлидан иб, ҳаё кўтарилибди?! Аёлни аёлдай яшатиш керак. Бу гапим – аёлни зар-зеварга, илаққа бурқаб, қазил-қарта билан боқиб керак деганим эмас! Аёлга бекорга "гулим", "ойим", дея мурожаат қилмаган болбалиримиз. Уларни гулдай севиш, гулдай меҳр бериш керак!.. Мен аёлни қоралаганларни ёмон кўраман. Аёл бу дунёга она бўлиш учун, эркакка ҳарорат, ҳар ишда илҳом бахш этиш учун келган. Аёлларга АЁЛ бўлиш учун имкон берилса, у ҳеч қачон ҳеч кимнинг юзини ерга қаратмайди...

\*\*\*  
Биз аёлмиз, ўсма-сурмамизни қўйиб, уйда ўтираварамиз, дейиш ҳам тўғри эмас. Миллат тикланиши, юрт қарақийети учун биз аёллар ҳам камарбаста бўлмоғимиз шарт. Лекин бизнинг шиддатимиз жамиятимизнинг кучли жинслари – эр кишиларнинг ғайрат, жасоратини сусайтирмаслиги керак. Биз аёл бўлиб, она бўлиб, сингил-опа бўлиб оила, жамият учун бир куч, бир жон билан меҳнат, хизмат қилсак, йигитларимиз икки баравар куч билан меҳнат сафининг олдида тушишлари зарур!

\*\*\*  
Эркакларнинг мардлиги аёлларда зарифлик, уларнинг саховати аёлларда муҳаббат, уларнинг олижаноблиги аёлларда меҳр гулларини очади, очаверади.



## Китобда китоб байрами

Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим, давр талаблари даражасида амалга оширишда дастуриламал вазафасини ўтамоқда.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгаши, Ўзвучилар уюшмаси вилоят бўлими, Китоб туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган "Китобсиз ҳаёт йўқ" деб номланган ижодий учрашувларда ёшлар маънавиятини юксалтиришда китоб ва китобхонликнинг ўрни ҳақида сўз борди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Ўзвучилар уюшмаси аъзоси, "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири Норқобил Жалилов ўзи таҳсил олган Китоб туманидаги 78-умумтаълим мактабига ижод намуналаридан сараланган ҳамда бошқа ижодкорлар қаламига мансуб юздан ортиқ нодир китобларни тақдим этди. Яна бир ибратли жиҳати, унинг мактабдоши, айни пайтда вилоятда нуфузли ташкилотда раҳбарлик қилаётган Бекмурод Раҳимов ҳам қадрдон билим маскани кутубхонасига икки юзга яқин жаҳон ва ўзбек адабиёти дурдоналарини тўхта қилди. Тадбирда сўз олганлар назм ва наср мўъжизалари, китобнинг инсон тафаккурини бойитишдаги ўрни, билим ва тарбия олиши борасидаги беқиёс хизмати ҳақида фикр юритдилар.

– Давлатимиз раҳбарининг бу тарихий ташаббуси мамлакатимизнинг барча бурчакларида ўзига ҳос акс садо берди. Очиғини айтиш керак, орамизда қачондан бери ҳаётнинг турли-туман ташвишларига қўмилиб қолган кўплаб мутасаддилар китоб мутолаасидан анча узоқлашиб қолганди, – дейди Қашқадарё вилоят ҳудудий автомобиль йўллари бошқармаси бошлиғи, O'zLiDeP аъзоси Бекмурод Раҳимов. – Кейинги бир йил ичда вилоятимиздаги юзлаб мактаб кутубхоналари фонди бойиди, ўқувчилар, аҳоли вакилларининг ўшу бебаҳо бойликка бўлган меҳри, муҳаббати ошди. Ўзимдан қиёс, Рамазон ҳайити арафасида пойтахтда яшаб ижод қилаётган қадрдон мактабдош дўстим Норқобил Жалил кўнгирак қилиб, "Бекмурод, келинг, бу йилги ҳайитликни ўзимизнинг Минжир кишлоғидаги мактаб ўқувчиларига улашайлик" деб қолди. Аввалига ҳайрон бўлдим. Кейин билсам, у янги китоблардан ташқари, ўзи ўқиган, ҳатто айрим машҳур ижодкорлар дастхати туширилган китоблариниям мактаб кутубхонасига ҳада қилмоқчи эканлигини эшитиб, бошим осмонга етди. Қаранг, бугунги байрам шарофати билан устозларим ва зиёлилар ҳамда илмга ташна йигит-қизлар билан мулоқот қилиб, беҳад севиндим. Бундан буён бу аънанани яна давом эттираман.

– Кўпдан бери орзу қилардим, оддий, хокисор оилада тарбияланиб, тақдирнинг кўп азоб-ўқубатларини мардона энгиб, бугун пойтахтда яшаб, жўшиб ижод қилаётган ҳамқишлоғим Норқобил Жалил билан дий-

дорлашишни, – дейди ҳаваскор шоира Марҳабба Каримова. – Қисматни қарангки, бугун ўзим яхшиларнинг дуоси, эзуликка йўрилган беминнат ёрдамлари туфайли ҳаётга қайтиб, саломатлигим билан боғлиқ оғир синовларни ҳам китобларга суюниб энгиб ўтгяман. Шундай жонли мулоқотлар инсон руҳиятига қанот бағишлайди, яшашга, умрнинг ҳар лаҳзаси ғанимат эканлигига ишонч уйғотади. Икки фидойи юртдошимнинг мактабимизга келиб маърифат нурларини улашгаётганидан беҳад хурсандман.

– Партияимиз ва вилоят ҳокимлиги саъй-ҳаракатлари туфайли воҳамизнинг чекка ҳудудларида ҳам шоир ва ёзувчилар иштирокида Президентимиз ўртага ташлаган 5 та муҳим ташаббусни тўла рўқабат-қувватлаб, кенг жамоатчилик, маҳалла-қўй, таълим масканлари билан ҳамкорликда китобхонлик маданиятини янада оширишга боғлиқ маданий-маърифий тадбирларни ўтказялмиш, – дейди O'zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгаши раиси Шўҳрат Турсунов. – Кенгашимиз томонидан тумандаги 78-74-мактаблар кутубхоналарига янги бадий адабиётлар ва ўқув кўргазма воситалари тақдим этилди. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам ёшларнинг китоб ўқишга интилиши ва қизиқишини янада ошириш, ўзбек ва жаҳон адабиёти намояндаларининг дурдона асарлари билан танишиш бахтини тўхта этиш, маънавий ва мафкуравий онгини янада бойитишдир.

Мақрид агробизнес ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежиди давом этган ижодий учрашув гоят қизиқарли ва ҳаяжонли кечди.

– Китобга муҳаббат қўйган инсон турфа олам сирларидан бохабар бўлиб, юксак тафаккур эгаси сифатида дунёга теран нигоҳ билан назар ташлайди, – дейди Китоб туман ҳокимлиги бош мутахассиси, Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси аъзоси Лола Уроқова. – Юртимизда китобхонликни янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган савобли ишлардан ҳеч ким четда туриши мумкин эмас. Мени қувонтирган жиҳати, қаранг, тўғриси, ҳаммамизнинг ҳам кўзимиз қиймайди, лекин Норқобил Жалил ўз шахсий кутубхонасига сақлаб келаётган, 1992 йилда Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид дастхат ёзиб, унга тақдим этган китобни шу коллеж кутубхонасига топширди.

Тадбирда Ўзвучилар уюшмаси вилоят бўлими раиси Уроқ Хайдар, танқили шоир, "Муסיқа" нашриёти муҳаррири Амир Худойберди ўз ижод намуналаридан ўқиб беришган бўлса, ЎЗА бош муҳаррири Абдужалил Тайпатов, вилоят ҳокимлиги юридик хизмат бўлими бошлиғи, ижодкор Абдишукур Омонов, "Маҳалла" жамоат фондининг Китоб туман бўлими раиси Жаббор Раҳмонов, ёзувчи Жаббор Халил, фахрий педагоглар Нормурод Жумаев, Нишон Сатторов ва бошқалар мамлакат миқёсида китобхонлик маданиятини тадбиқ этишга оид бундай маърифий анжуманларнинг юксак аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Сайфулла ИКРОМОВ,  
"XXI asr" муҳбири

O'zLiDeP Тошкент вилоят Кенгаши халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, партиянинг Ангрэн шаҳар Кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари, "Lend Baraka Fayz" хусусий корхонаси бошлиғи Абдуқодир Бегматовга отаси Одилмат отанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



МУАССИС:  
TADBIRKORLAR VA  
ISHBILARMONLAR  
HARAKATI –  
O'ZBEKISTON  
LIBERAL-  
DEMOKRATIK  
PARTIYASI

Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙИТОВ	Аҳам ШОДМОНОВ
Бахтиёр ЯҚУБОВ	Тулкин ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ	Виктор ПАК
Мавлуда ХУЖАЕВА	Насимжон АЛИМОВ
Сирожиддин САЙИДИ	Асиддин А.ЛАМРАДОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73<sup>а</sup>-уй.  
Электрон почта:  
xxi\_asr@mail.uz  
Телефонлар:  
қабулхона – 71 215-63-80  
(тел./факс).  
Котибият – 71 281-40-17  
Обуна ва реклама  
бўлими –  
71 215-60-45, 71 255-68-50

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда  
0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.  
Ҳажми – 4 босма табоқ.  
Буюртма рақами: Г – 658 Тираж: 5832  
Баҳоси келишилган нарда.  
ЎЗА якуни – 21:35  
Топширилди – 00:30

Тахририят келган қўлэмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.  
© "XXI asr"дан олинган маълумотларга манба  
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи  
назаридан фарқ қилиши мумкин.  
Газета тахририят компьютер марказида  
терилди ҳамда дизайнер  
Маъруфжон Раҳмонов  
томонидан саҳифаланди.



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406  
123456

Набатчи муҳаррирлар:  
Бекза ИСРОИЛОВ, Эвак ШОЙНИМҚУЛОВ.